



ИНҚИЛОБНИ СЕВИНГ!

“...Кундан кун унинг соғлиғи оғирлашиб боряпти. Уйкуси кочган. Дори ичмаса бўлмайди. Кексайган вужуди дорига тўлиб кетди.

Хар куни кечаси ухлаши қийин. Тонгда уйғониши – азоб. Базўр кўзини очади. Гоҳида боши лўқиллаб оғрийди. Суяклари қакшайди. Оғриқ зўридан додлагиси келади...

Аммо тишини тишига босади. Ўрнидан туради. Ювинади. Сартароши хар куни соқолини киртишлайди.

Иссиқ сув вужудига бир қадар ёқади, аммо негадир лоҳас қилади. Шунинг учун кейинги пайтларда совуқ сувда ҳам ювиняпти. Доктор шамоллаб қоласиз дейди.

Алоқ-чалоқ тушлар хўп хоритди. Хар куни ўзига ўзи бугун мен кучлиман, ҳаммаси кўлимда, бутун мамлакат пойимда дейди. Шу гапдан куч топгандек бўлади.

Хизматкорлар аъло даражада нонушта тайёрлайди, баъзан оғзи таъм сезмай қоляпти.

Асаби азалдан тез. Ичида доим кўркув. Хар куни таомга ўтирганда мени захарлашмаяпти деб ўйлайди.

“Таняга ҳам ишониб бўлмай

қолди... Жодугар кампир...” – дейди баъзан ичида. Аммо кўп ҳолларда ўй суришга ҳам вақт йўқ. Ишнинг думи узун. Чарчаб қолганини сезмайди. Лекин ётоғига кирганда вужуди зиркирайди.

Салкам ўттиз йилдан буён бу тарзда яшаш қандай қийин!

Гоҳида ўзини дунёнинг энг буюк ҳукмдор деб ўйлайди.

“Халқ мени яхши кўради... – дейди баъзан. – Ўзи бу қораваччаларнинг севгиси нимага керак, лекин ўлиб кетсам ўлигимни хорлаши мумкин... Икки қизимни... Гулнора аҳмоқ... Худди онаси! Одам ўзига ўхшаганни ёқтирмас экан-да, эси оғиб қолган кампир қизини ёмон кўради-я... Лола Гугушага қараганда маккора... Лос-Анжелосдаги қасрини кара... Менга билдирмай сотиб олибди-я... Буларни ҳам тушуниш керак. Ўлиб қолсам нима бўлади? Ўлмаслигим керак. Душманларимга қолса, шу заҳоти ўлсам... Акам ўлди... Охирги марта қачон кўришдим-а... Бечора... Бечора эмас, бахтли у... Мен бечораман... Мен? Нега бечораман? Бутун бошли республикага мустақилликни

ким берди? Мен бердим! Шунча пайтдан бери Россия ёки Америкага қарам бўлиб қолмасин деб оромимдан кечдим. Бу нодонлар буни билармиди... Атрофда ҳамма Россияга кучук бўлди. Володя барибир мен билан ҳисоблашади. Ёшинг улу- бўлса ҳам яхшию... Ўлим яқинлиги ёмон...

Хато қилдим кўп жойларда... Қанийди, имкони бўлса, бу хатоларни тўғирласам... Қандай қилсам бўлади... Мен ўлиб кетавераман... Мендан кейингилар яна ҳам расво қилади-да...

Булар мени ҳеч нарса билмайди деб ўйлайди. Халқ – пода. Пода бўлса ҳам, аҳмоқ пода... Ҳеч балони тушунмайди... Бу халққа нимадир имкон бериб бўлармиди... Тентақлар!

Нима қилсам экан-а...

Ўрнимга кимни қолдирай? Шавкатми? Тарбия кўрмаган аҳмоқ бу. Рустамми? Хайвон-ку у. Ё анави Рустамми? Абдулазизми? Булар қул. Мени ҳам қул дейдиганлар бор...

Нега мен қул бўларканман? Қўлимдан келгунча бу мамлакатни сақлаб турибман-ку.

Бу ҳаёт қийин. Ўлсам бир гап бўлар... Худо ўзи раҳм қилар... Э Худо! Бормисан? Бор бўлсанг, бир йўл кўрсат...

Солиҳни чақирайми? Ёш эдим-да... Солиҳни қувиб бекор қилдим... Аммо ўзи ҳам бир каж эди...

Энди фақат охиригача ҳаракат қилишим керак. Охиригача... Нима бўлса, бас...

Ўзимни қутқариш учун ягона йўл бор – ўзини муҳолиф деб юрган ҳамма аҳмоқни йўқ қилишим керак. Ҳаммасини ўлдириш керак. Бирорта ҳам душман қолмасин. Ўлсам, номим ҳам қора бўлмасин, оилам ҳам бахтли яшасин... Шундай қилса бўлади... Сталин шундай қилди-ку... Ягона қурол бор, бу кўрkitиш...”

Бу Ислом Каримовнинг алаҳлашидан бир парча. Хар куни у шундай алаҳлайди, васвасага тушади.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Ўзбекистондаги вазиятни ҳамма кўриб турибди. Ит эгасини, мушук бекасини танимади. Мамлакат чуқур таназулда яшайпти. Буни эс-хуши жойида одамлар билиб ўтирибди. Эртага нима бўлади деган савол қаршисида ҳамма жим. Ҳамма лол. Ҳамма кўрқяпти. Ислом Каримов ва унинг тузуми балчиққа ботирган халқни, мамлакатни олиб, ювиб тараб йўлга солиб юбориш мумкинми?

Айни пайтда Ўзбекистондаги зиёлилар Каримовнинг ишларини маъқуллаётган ҳолатлари ҳам учраб турибди.

“Каримов тўғри қилган... Бизнинг халққа шундай кўрқитиш сиёсати керак... Атрофдаги барча республикалар Россиянинг чилдирмасига ўйнади, бу эса ўз позициясини сақлади. Бу – катта гап. Тўғри, унча-мунча камчиликлар бор, лекин яхши ишлари кўп. Масалан, тинчликни ушлаб турибди, секин ривожлантирди. Бутун дунёда таназул, иқтисодий бўҳрон, биз эса нормадамиз...”

Каримов одамларни қириб тўғри қилдими? Ҳаммани кўрқитиб яхши қилдими? Одамларни қамчидан қон томдириб ушлаб туриш керакми? Ўзбек халқига шу керакми? Ўзбек халқи шу қадар маразми? Ўзбек халқи шу қадар онгсизми? Ўзбек халқи маймунми? Ўзбек халқи чорвами? – унинг учун қамчидан қон томиши керак!

Атрофдаги республикалар Россиянинг чилдирмасига ўйнаган эмиш...

Агар Каримов кучли сиёсатчи бўлса, халқаро микёсдаги одам бўлса, нега кўшнилариининг бошини бир қилишга уринмади? Нега шунга эришмади? Қачон қарама – кўшилари билан қирпичок – чегарани ёпиб қўяди, одамларни, деҳқонларнинг маҳсулотларини чегарадан ўтказмай қийнайди, расмий учрашувларда эса тиржайиб шампан кўтаради.

Бутун дунё иқтисодий бўҳрон эмиш...

Январь ойи тугаб боряпти, аммо Ўзбекистон давлат корхоналарида ҳеч ким ойлик олмади. Нега? Чунки давлат ғазнаси бўш. Агар бўш бўлмаса, ойлик тарқатмасмиди? Агар бўш бўлмаса, давлат ишчилари зорикмасдан ишламасмиди? Қайси соҳага борманг, давлат ходимлари жуда бечораҳол, агар МХХ, милиция ва ҳарбийларни ҳисобга олмасак...



Шуми Ўзбекистоннинг иқтисодий қудрати? Ҳа-я, боболаримиз бир бурда нонга қаноат қилган... Бизга ҳам шу...

Агар бизнес қиламан десангиз, текширув устига текширув келади, бор-будунгизни шилиб олади. Базўр емак-ичмакка пул топиб яшайсиз. Давлатнинг катта амалдорлари қўлида бўлган шахсий бизнес, корхона ва бошқалар уюшган мафия қўлида гуллаб ётаверади. Оддий халқ, “танка”си бўлмаган қора халқ эса тинкаси қуриб, иштонини судраб юраверади...

Биз аввалги мақолаларимида ҳам кўп такрорладик, яна айтамыз – Ўзбекистон революция остонасида.

Чунки бир тузумни ўзгартириш учун икки йўл бор: эволюция ва революция. Каримов биринчи йўлни ушлаб олди ва қойиллатмади – эволюция қилмади, одамлар кўзига шундай кўрсатди ўзини.

Иккинчи йўл – тузумни таг-туби билан кўпориб, ўрнига янги ҳукумат ўрнатиш. Жуда оғир иш.

Айтишадик, революция – қон, одамлар ўлими, ҳалокат. Тарихда бу ҳақиқат қайта-қайта тасдиғини топган. Қарангки, ҳамиша революция қилган одамлар жиноятчию, шу революцияга мажбур қилган одам оппоқ.

Каримов кетсин десангиз, ундан кейин қандай киши келади – бу номаълум дейдилар. Ундан бешбаттари келса-чи, шу яхши-ку дейдилар.

Одамлар нима қилишни билмайди, фалаж бўлиб қолган. Чунки бошқа йўлбошчи йўқ. Бориға шуку қилишмоқда.

Улар агар инқилоб бўлса, биз ҳам Сурия, Ироқ бўламиз, Украина, Афғонистон бўламиз дейишади.

Кўрқишади.

Улар ўзларича ҳақ.

Чунки уларда ўзларига ишонч йўқ. Ўзлари уюшиб улкан муаммоларни ҳал қилиб юборишни

билмайдилар. Албатта, кимдир бизни бошқариши керак деб ҳисоблашади. Агар революция юз бериб, кўчада отишма бўлса, қўлга қурол олиб ташқарига чиқиб, ҳақнинг ёнини олиш ўрнига уйда биқиниб ўтиришни маъқул кўрадилар. Кейин отишма тугаса, ғолиб томонга таъзим қилгани эшикни очишади. Ғолибнинг ким экани эса қизиқ эмас. Қуллик қилиб жон сақланса, бас.

Революция – қон. У ўлим. У йўқотиш. Бу ҳақиқат. Аммо Сиз адолат тарафига ўта оласизми? Ҳақ ва ботилни фарқлаб, ҳақ томонда тура оласизми? Иймон ва эътиқод эгалари атрофига жипс бўла оласизми? Ўлимга тик қараб юра оласизми? Агар Сиз кўркмасангиз, ҳақиқат тарафда бўла олсангиз, бу қон Сизни кўрқитмайди, у шараф қони эканлигини тушунасиз.

Бошқаларнинг қони тўқилмасин учун, бошқаларнинг жони омон бўлсин учун, ўз қонингиздан, жонингиздан адолат учун воз кеча оласиз. Бу – осон эмас.

Агар барча ватанпарварлар, ўзини Ҳақ йўлидаман деб билганлар шу ишга тайёр бўлишса, ғолиблик, музаффарият бизни қуттирмайди. Ҳатто, қон тўқилмайди. Чунки ботил – ёлғончилик, кизб, ҳаромхўрлик эгалари бу қудратга қарши кураша олмайдилар. Бу қудратга қарши қурол кўтара олишмайди. Агар Сиз кўркмасангиз, Сиз чекинмасангиз, душман қочади. У қуролини ташлаб гумдон бўлади. Таслимлик ила тиз чўқади. Агар Сиз ҳайиқсангиз, у Сизни отади, кейин қон тўқилади, кейин ўлим юз беради.

Бу ҳақиқатни англашимиз керак.

Революциядан кўркманг, шунда ҳаммаси жойида бўлади. Инқилобдан ҳайиқманг, уни севинг, унга талпининг – чунки вазият шуни тақозо қилмоқда. Шунда ҳаммаси хайрли бўлади.

Абдуллоҳ Нусрат

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Рус ва қозоқ нашрлари ўзбек ва тожик мигрантларининг ёппасига Россиядан чиқиб кетаётгани ҳақида ёзмоқда. Айтилишича, Россия миграцион қонунларининг кескинлашгани, патент нархининг ошгани ва доллар курсининг кўтарилиб бораётгани ўзбек муҳожирларини Россия меҳнат бозорини тарк этишга мажбурламоқда. Айни пайтда, айрим кузатувчилар бу жараёни ёппасига қайтиш деб аташ



Муҳожирлар дарёси терс оқа бошлади

ногўри экани ва Ўзбекистондан Россияга қараб оммавий кўчиш бошланаётганини айтмоқда.

Россиянинг “Независимая газета”си ва Қозғистоннинг TengriNews агентлиги 22 январь куни ўзбек ва тожик меҳнат муҳожирларининг Россиядан ёппасига чиқиб кетаётганини долзарб жараён сифатида тақдим этди. Бу мақолаларга Россия Федерал миграция хизмати раҳбари Константин Ромодановскийнинг январь ойи бошида келтирган рақамлари асос бўлган.

ФМХ раҳбарига кўра, бугунга келиб Россияда расман қайддан ўтган ўзбек мигрантлари сони 1 миллион 800 мингга ташкил этади ва бу ўтган йилнинг айни шу даврига нисбатан 1 миллион ёки 18,6 фоизга камдир. Ромодановский шунингдек, Россияга келаётган мигрантлар оқимининг ҳам 70 фоизга камайганини билдирди.

Бу камайишнинг биринчи галда Ўзбекистон ва Тожикистондан келаётганлар сонига кўринаётгани айтилмоқда.

Жараён сабабларига изоҳ берган Россия миграция расмийлари, мамлакатда миграция қонунчилигининг кескинлашгани, хусусан, Россия ҳудудининг нолегаллар учун ёпилганини айтмоқда.

Ромодановскийга кўра, 2015 йил охирига келиб, 1 миллион 800 минг одам Россия ҳудудига кириши тақиқланганлар рўйхатига киритилган.

Рублнинг қадрсизланиши ортидан мигрантлар даромадининг кескин қисқаргани, Россиядаги ҳаётнинг қимматлашиб бораётгани ҳам, рус ва қозоқ нашрлари таъкидича, ўзбек ва тожик

мигрантларининг ёппасига Россиядан чиқиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Россиядан чиқиш – мавсумий жараён

Россиядаги ўзбекларнинг “Ватандош” жамияти етакчиси Усмон Баротов, ФМХ келтирган бу рақамларни эътироф этган ҳолда, ўзбек мигрантлари ёппасига кетмоқда деган фикрга қўшилмаслигини айтади:

— Бу терминга қўшилмайман. Чунки ҳар йил ҳам сентябрдан то 31 декабрга қадар мавсумий кетиш бўлади. Ёппасига кетиш янги йилгача бўлиб бўлди. Ҳозир ФМС ҳисобича, 1 миллион 800 минг ўзбек мигранти қолган Россияда. Ҳар йил ҳам мавсумий иш қиладиганлар қайтиб, Россияда доимий иши борлар қоларди. Албатта, долларнинг кўтарилиши, патентнинг қимматлаши учун доимий қолувчилар сони бир неча юз мингга камайган бўлиши мумкин. Лекин бу жараёни ёппасига чиқиб кетиш, дейиш ногўри, дейди ўзбеклар жамоаси фаоли.

Усмон Баротов таъкидича, Россияда рублнинг қадрсизланиб, муҳожир ҳаётининг қимматлашаётганига қарамай, миллионлаб ўзбекистонлик учун Россия ҳамон муқобили йўқ меҳнат ва имконият бозори бўлиб қолмоқда.

Шу боис Баротов, баҳорга келиб Россияга келаётган ўзбекистонликлар сонининг яна ошишини тахмин қилади.

Ўзбек ва тожиклар Россияга оиласи билан кўчиб, муқимлашмоқда?

Россия матбуоти хабарларига кўра, меҳнат муҳожир сифатида ишлаш ва топганини долларга айлантириб ватанга юборишнинг тобора қимматлашиб бораётгани ўзбек ва тожикларни Россия фуқаролигини олишга ундамоқда.

“Независимая газета”га кўра, минтақадаги иқтисодий вазият ва террор муҳитининг ёмонлашаётгани ортидан Россияга доимий яшаш учун бола-чақаси билан кўчиб келаётган ўзбек ва тожиклар

сони ошмоқда.

Буни янги миграция тўлкини деб атаган экспертларга кўра, Москва ҳукуматининг ватандошларни кўчириш дастурига асосан Россияга бутунлай кўчиб келаётган марказий осиелик, хусусан, ўзбеклар сони кўпаймоқда. Ушбу давлат дастури рус тили ва маданиятини яхши билган, ўқиган, тажрибали собиқ СССР ҳудуди гражданларини Россияга кўчиришни мақсад қилган. Кўчиб келиш харажатлари, иш ва уй-жой топиш муаммосини ҳал қилишни давлат ўз зиммасига олган бу дастурга қизиқиш кўрсатганлар, рус матбуоти қайдича, ўн мингларни ташкил этади ва бундайлар сони кун сайин ошмоқда.

Москвадаги ўзбекларнинг “Ватандош” жамияти раҳбари Усмон Баротов, ватанга қайтиб, ишсизлик ва ҳақсизликка дучор бўлгандан кўра, ўзбекистонликларнинг Россияга муқим кўчиб келиши хайрлироқдир, деган фикрда:

— Ватан албатта ватан. Лекин ҳозиргидек ноиложлик шароитида, Ўзбекистонга бориб диктаторлик тузумидан азоб чекиб, бола-чақасини боқолмай қолгандан кўра, Россияга кўчиб келишни таклиф қиламан. Бу ерга келса, Узоқ Шарқ, Сибир каби минтақаларда одам бошига бир гектардан ер беради. Беш кишилик оилага беш гектар ер дегани бу. Ўзбек меҳнаткаш халқ, бу ерда дехқончилик қилиб, бойиб кетади. Бора-бора Россия ҳудудида иккинчи Ўзбекистон барпо қилади. Мен буни Россиядан миллионлаб одам Ўзбекистонга қайтиб, у ерда ишсизлик ва чорасизликдан тўполон чиқиб, қон тўкилиши

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

олдини олиш мақсадида таклиф қилаяпман, дейди ўзбекистонлик фаол. 22 январь куни Озодлик суҳбатлашган Анвар Россияда “қишлаш”га қолган ўзбекларнинг типик вакили. У на ишсизликдан қочиб келгани Ўзбекистонга қайтиши ва на топгани ўзини оқламай қолаётган Россияда қолишини билолмай қолганини айтади:

— Шундай бўлаверса, кетамиз деб ўтирибмиз. Яна икки-уч ой кутамиз. Ўзи ҳозир ҳам ишлашдан толк қолмади. Қайтиб нима иш қиламиз, буням билмаймиз. Киракашлик қиламиз, дейди

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, ҳомийси Ўзбекистон ҳукумати бўлган «Камолот» ёшлар ҳаракати фаоллари “ижтимоий тармоқлар бузғунчи ғояларнинг тарқатилиши учун қулай восита”, деган иддао билан Facebook, Telegram ва Однокласники каби ўзбекистонлик ёшлар орасида кенг тарқалган ижтимоий тармоқларни тақиқлаш таклифини ўртага қўйган.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан молиялаштирилган «Камолот» фаолларидан бирининг Озодликка айтишича, ижтимоий тармоқлар таъсирини Ўзбекистонда чеклаш масаласи шу ҳафта бошида Тошкентда ўтказилган давра йиғинида кўтарилган:

— Ўзингиз биласиз, ҳозир террор пропагандаси ижтимоий тармоқларда олиб борилаяпти. Террорчилар бу тармоқлар ёрдамида ёшларга ўз ғояларини сингдириб, ўзларига ёллаяпти. Худди шу тармоқлар орқали ёшларни нотўғри йўлга бошловчи гуруҳлар иш олиб бораёпти. Ёшларни уларни ёмон таъсирдан ҳимоялаш керак ва бунга ҳозирданок киришиш керак, деган таклифлар илгари сурилди, — деди исми сир қолишини истаган “Камолот” фаоли.

Суҳбатдошга кўра, бу ерда гап Telegram, Instagram, WhatsApp каби мессенжерлар, Facebook, Однокласники каби ижтимоий тармоқлар ҳақида бормоқда. Айтилишича, ҳозирда бу таклифни амалга оширишнинг техник имқонлари ўрганиб чиқилмоқда.

Ўзбекистонда кунига миллионлаб одам фойланаётган бу тармоқлар фаолиятини қандай чеклаш мумкинлиги ҳақидаги

кўпчилик. Лекин киракаш ҳам кўпайган. Худо берган ризқимизни топиб ермиз, деб ўтирибмиз. Қоламан, деганлар ҳам кўп, дейди Анвар.

Россиядаги мигрантнинг қайтиши Ўзбекистонга керакми?

Йиллар давомида на Россияда миллионлаб ўзбекистонликларнинг ҳеч бир ҳуқуқий ҳимоясиз меҳнат қилаётгани, на уларнинг ватанига миллиардлаб доллар пул юбориш орқали мамлакатдаги иқтисодий-ижтимоий вазиятни барқарор ушлаб турганини эътироф этган Тошкент ҳукумати, кузатувчиларга кўра, уларнинг ёппасига Ўзбекистонга

қайтишини истамайди.

Россия матбуоти ўзбек мигрантларининг ёппасига чиқиб кетаётгани ҳақида ёзаётган бир пайтда, шароит тақозоси билан Ўзбекистонга қайтишга мажбур қолаётганлар ҳам, кўлида нобиометрик паспорт билан ватанига қайта олмаётир.

Ақсарияти эски паспорт эгалари экани айтилаётган Россиядаги ўзбекистонлик муҳожирларни ватанга қайтиш деб аталган ҳужжатсиз Россиядан чиқармасликни сўраш ортидаги сабаблар бири ҳам, тахминларга кўра, айнан уларнинг Ўзбекистонга ёппасига қайтиши олдини олишдир.

ЎХХ хабарлар бўлими

Ўзбекистонда ижтимоий тармоқларни тақиқлаш таклиф қилинди

саволга “Камолот” фаолларидан аниқ жавоб бўлмади.

Ташкилотнинг бошқа фаоли, камолотчилар ташаббусида гап бу тармоқлар фаолиятини бутунлай тақиқлаш ҳақида бормаётганини таъкидлади:

— Бу тармоқларни Ўзбекистонда тўлиқ тақиқламасдан, миллий доменда улар ўрнини босадиган муқобил тармоқлар яратиш керак, деган таклифлар кўриб чиқилаяпти. Ҳозир бу муҳокамалар босқичида, қандай бўлади бу, бирон нарса айтолмайман, — деди Озодлик суҳбатлашган яна бир «Камолот» фаоли.

Яқинларгача ўзбекистонликлар асосан Однокласники ва ВКонтакте каби Россия доменидаги ижтимоий тармоқларидан фойдаланиб келган бўлса, сўнгги йилларда Facebook тармоғидаги ўзбекистонлик фойдаланувчилар сони ҳам кўпайиб бормоқда.

Ҳозирда Однокласники тармоғида уч миллиондан ортиқ ўзбекистонлик фойдаланувчи рўйхатдан ўтган бўлса, Facebookда эса тўрт юз мингга яқин ўзбекистонлик бор.

Уларнинг аксари бу тармоқлардан яқинлари ва дўстлари билан боғланиш мақсадида фойдаланишларини айтишади.

“Бу тармоқларни ҳам ёпишса, билмадим нима бўлади. Ўзбекистоннинг ўзини тармоғини яратиш амалга ошмайдиган нарса. Ким киради у ерга? Ҳозир Skype ишламайди, Viber ишламайди. Бу

боришда Интернетни бутунлай ёпиб қўйишмаса бўлди”, — дейди ўзини Зокир деб таништирган ўзбекистонлик Интернет фойдаланувчиси.

Skype ва бошқа мессенжерлар Ўзбекистонда ўтган йил ўрталаридан бери ишламаяпти. Интернет провайдерлари мазкур ҳолатни «Ўзбектелеком» акциядорлик ширкати ҳамкорлари тармоқларида аллақандай техник профилактика ишларини кетаётгани билан изоҳлаб келишмоқда.

Ўзбекистонликлар орасида бу каби мессенжерлар мамлакатга ташқаридан ахборот оқимини жиловлаш учун профилактика баҳонасида тўсиб қўйилган, деган тахминлар ҳам бор.

Интернет технологиялари бўйича мутахассис Тўлқин Умаралиевнинг айтишича, ижтимоий тармоқларни ёпиш Ўзбекистондаги монополист ширкат саналган «Ўзбектелеком»ни кўлидан келади:

— Тўсиб қўйиши ҳам мумкин ёки Skype мессенжеридеги каби муаммолар яратиши ҳам мумкин. Гўёки очилади, лекин ишлаши жуда секин бўлади. Техник жиҳатдан бу кўлидан келади. Бутунлай тўсиб қўямиз, деса ҳам Ўзбекистон ҳукуматининг кўлида бунақа имконият бор, — дейди Тўлқин Умаралиев.

Ўзбекистон йиллардан бери «Чегара билмас мухбирлар» ташкилотининг Интернет душманлари рўйхатида қолмоқда.

Манба: «Озодлик» радиоси

“РИВОЖЛАНИБ КЕТАЁТГАН” ЎЗБЕКИСТОН ВА ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЖОН ТАЛВАСАСИ

Ўзбекистонда 14 январ Ватан химоячилари куни деб эълон қилинган бир нави. Аммо бу сана ҳар йили байрам қилиниши Каримов диктатурасининг масхарабозлигидан бир намунадир. Албатта, Каримов масхарабозлигига Ўзбекистондан минглаб намуналарни келтириш мумкин. Кўпчилик бунга ўрганиб ҳам қолди. Ҳатто шуларсиз яшай олмайдигандек бўлиб қолишди.

Янги милодий 2016 йилни Каримов бир гуруҳ ҳарбийларни мукофотлашдан бошлади. Мамлакатдаги барча ўқув муассасаларида –боғча, мактаб, коллеж, лицей, университетларда “жасорат” дарслари ўтилди. Аксарияти аёллардан иборат муаллимлар ўқувчиларга, талабаларга “жасорат” ҳақида 40 ёки 80 дақиқалик сабоқ бердилар.



Албатта, уларнинг фикрича, биргина дарс билан ҳамма ёшлар “жасоратли” бўлиб қолгани аниқ.

Каримов армияга йўллаган табригида: “Уруш бўп қолиши мумкин... Уйқисирамай ўтиринглар”, – деди. Устига устак, ўз шайкаси – вазирлар, ҳокимлар иштирокида ўтказган мажлисида 2015 йилнинг якуни ҳақида “ҳисобот” берди. 2016 йилнинг “ёрқин” режалари ҳақида гапирди. 2030 йилда Ўзбекистон кучайиб кетади деб ўзининг узокни мўлжаллаган “режа”сини ошкор қилди. Аммо нутқи давомида деярли ҳеч бир жумлани тўлиқ ўқий олмади. Чунки унинг ичига кирган ғулғула бунга йўл қўймапти.

Каримов ўзининг алжирашни эслатадиган “нутқи”да қартишкани импорт қилмаётган Ўзбекистон ҳақида гапирди. Кейин эса Ўзбекистон жаҳон миқёсида жуда ҳам қаттиқ ривожланиб кетаётган 5

давлатнинг бири бўлди деб ҳаяжон билан эълон қилди. Буни эшитган Ўзбекистон халқи жуда ҳайрон: нахотки, биз шунақа ривожланиб кетаётган мамлакатда бўлсак?!

Каримов нутқида яна собиқ шўро тузумини танқид қилди. Одамлар у даврни унутаман деса, худди қасддан уларнинг ёдига солаётгандек. Чунки унинг бошқа қиёси йўқ. Мамлакатга зулмат чўккан.

Аммо бу хомхаёл. Навбатдаги кўтарилиш уни итқитиб ташлайди, Худо хоҳласа.

У 2030 йилдаги ривожланиш ҳақида гапириб одамларга ҳали тахтда узок қолиши ҳақидаги ғояни сингдиришга интилди. Ўзининг қудратдалигини билдирмоқчи бўлди.

Аммо Каримовнинг умри ҳам, унинг тузуми ҳам якунланмоқда. Озгина сабр қилинса, бас. Чириган

тузум шабад эсса ҳам йиқилиб тушишга тайёр бўлади.

Ўзбекистон катта инқилобга яқинлашиб келяпти.

Сўнги нафасларини олаётган, жон талвасасига тушган Каримов ва унинг режими ўз даврини ўтаб бўлди.

Туркистон халқи 130 йил мустамлака бўлди, унга қадар 300 йил тарқоқ яшади, 1990 йилларда гўё мустақиллик рўй берди, аммо бу субҳи

Каримов чет эл ташкилотлари бизни “текшириб”, биз ҳақимизда иғво қилса ҳам, ривожланиб кетаверамиз деди. У васвасга ўхшаб кетяпти: 25 йилдан бери Ўзбекистонга ташқи душман хавфи бор, хориж – душман.

Каримов бугун ҳориждаги мухолифлар, айниқса, Ўзбекистон Халқ ҳаракатининг фаолиятдан кўрқувда. Шунинг учун ўз нутқида халқни алдаш учун жонбозлик қилмоқда.

Каримов ҳамиша Яратганни тилга олар эди. Энди Худони тилга олди. Чунки у ўзини художўй кўрсатиши керак. Халқни алдаш учун жамики қуролдан фойдалана олади ҳозирча.

Каримов тузуми емирилиб тугади. У аскарларига “Урушга тайёр бўлинг” деган гап билан Ўзбекистонда яна халқ кўтарилса – 2005 йил Андижондаги каби – қонга ботиришга тайёрлигини маълум қилди.

козиб экан. Субҳи содиқ – чинакам тонг отиш олдиан қуюқ зулмат қопламоқда юртни. Одамлар тасаввур қила олмайдиган тонг яқинлашяпти: Ўзбекистонда революция бўлади. Золим тузум ағдарилади. Каримов судланади. Унинг шайкаси суд олдида жавоб беради ва жазосини олади. Янги Халқ ҳукумати ўз ишини бошлайди, Худо хоҳласа.

Каримов ўз талвасасини билдириб қўймоқда. У қанчалик зулм қилмасин, репрессияга зўр бермасин, энди умрини узайтира олмайди.

Йигирма беш йил унинг учун кўрқувда ўтди. Энди у ҳам бу кўрқувдан кутулади. Бу кўрқув Каримовни ўз жонига қасд қилишга олиб келиши ҳам мумкин.

Субҳи содиқ яқин қолди, Худо хоҳласа.

Тайёр тулинг, Ватандош!

Абдуллоҳ Нусрат



HRW: АҚШ сиёсий маҳбусларни озод этиш учун Тошкент ҳукуматига очиқ босим ўтказиши керак!

АҚШ Ўзбекистондаги сиёсий маҳбусларни озод этиш учун Тошкент ҳукуматига очиқ босим ўтказиши керак.

Хьюман Райт Уотч ҳам Марказий Осиёда Инсон ҳуқуқлари ассоциацияси каби халқаро ташкилотлар келаси ҳафтада АҚШ ва Ўзбекистон расмийлари ўртасида ўтказилиши кутиляётган

масалаҳат кенгаши олдида ана шундай чақирик билан чиқди.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комилов 19 январь кунига белгиланган масалаҳат кенгаши доирасида АҚШ Давлат департаменти ва Мудофаа вазирлиги мулозимлари билан

сўзлашувлар ўтказди.

Мухокамаларда “Ислохий давлат” экстремист гуруҳига қарши халқаро глобал коалиция таркибида янада фаолроқ ҳаракат қилиш, Афғонистондаги вазият ва терроризм хавфига қарши ҳарбий ҳамкорлик истиқболлари муҳокама этилиши кутиляпти.

Манба: «Озодлик» радиоси

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, VimpelCom ширкати Ўзбекистондаги фаолияти давомида миллионлаб доллар пора берганини тан олиб, 600 миллион АҚШ долларига тенг жарима тўлашга таянганлиги тўғрисида хабар қилинмоқда.

VimpelCom: «Ҳа, Гулнорага пора берганмиз»

Россияда чиқадиган “Ведомости” газетаси бу ҳақда душанба куни ўз манбаларига таяниб хабар қилди.

VimpelCom ширкати ўтган йили Ўзбекистондаги коррупцион жанжал билан боғлиқ эҳтимолий жарималар ва бошқа харажатлар учун 900 миллион доллар маблағ ажратган эди. Ноябрь ойида эса ширкат АҚШ адлия вазирлиги билан ишни судга оширмасдан 775 миллион доллар жарима тўлаш масаласи устида музокара қилаётгани тўғрисида хабар қилинган эди.


14 январь куни, Швециянинг TeliaSonera ширкати ҳам Ўзбекистондаги бизнеси қийматига тенг қарийб 700 миллион долларни ҳисобдан чиқариши тўғрисида эълон қилди.

АҚШ ва Европада тергов қилинаётган ишларда VimpelCom, TeliaSonera ва МТС ширкатлари Ўзбекистонда бизнес қилиш

имкони эвазига бу мамлакат президентининг қизи Гулнора Каримовага камида 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида пора бергани гумон этилмоқда. Мазкур терговлар доирасида Европа мамлакатларида Гулнора Каримовага алоқадор деб кўрилган жами 1 миллиард АҚШ доллари музлатиб қўйилган.

Ўтган ҳафта Ўзбекистон ҳукумати музлатилган пуллар жиноятчилар тарафидан ўмарилгани ва мамлакатга қайтарилиши лозимлиги айтилган мактуб билан АҚШга мурожаат қилди. Ўзбекистон Адлия вазирлиги Музраф Икромов имзоси билан жўнатилган мактубда жиноятчилар орасида Гулнора Каримованинг исми келтирилмаган, лекин унинг жазмани Рустам Мадумаров ва хос ёрдамчиси Гаяне Авакянлар асосий жинояткорлар сифатида тилга олинган.

Манба: «Озодлик» радиоси



«Тушдим, сакраб тушдим тилла тобутдан!..»

Мухаммад Солиҳ 1949 йилда Хоразм вилоятида туғилган. Тошкент Давлат Университети (ҳозирги Миллий Университет)нинг журналистика факультетини, Москвадаги Олий Адабиёт курсини тугатган.

Афу эт мени

Тақдир қилолмадим, кечир, Ватаним-

Тош каби бардошли бўлолмадим ҳеч.

Сапчиб турган эсам, айбиситма мени,

Афу эт, ахир, мен ўлолмадим ҳеч.

Кечир, сапчиб турдим оғир уятдан –

Тарихидан жудо бўлган халқ каби

Келажаги қаро инсониятдай – Энг сўнги лаҳзада турдим мен қалқиб!

Турдим, сапчиб турдим, ўзимга келдим,

Шаккок фарзандингни афу эт, ватан –

Гўзал кафанларни эгнимдан юлдим,

Тушдим, сакраб тушдим тилла тобутдан!..

1985

Манба: bbc.com/uzbek





Туяқуш услуги

2016 йилнинг 21 январь куни ижтимоий тармоқларда хабар тарқалди: Ўзбекистонда Фейсбук, телеграмм ва одноклассники сайтлари ёпилар эмиш!

Собиқ шўро замонида комсомол деган ташкилот бор эди. Пионерликдан сўнг унга қабул қилинарди, кейин "коммунист" деган "шараф"га ноил бўлинарди. Бу ташкилот моҳиятан коммунистик партия учун манқуртлар армиясини ҳозирлашга ихтисослаштирилган эди.

Каримов 1996 йил "Камолот" деган бир ташкилот туздирди. Бу ташкилот комсомол ташкилотига икки томчи сувдек ўхшаш. Тизими, ўтказиётган тадбирлари худди комсомолники каби. Бу ташкилотнинг қиладиган ишида тайин йўқ.

Узини мустақил, нодавлат, нотижорат деб эълон қилган бу ташкилот Каримов ва унинг тузуми ғояларини тарғиб қилади, холос. Аммо унинг таркиби, ишлаш "принциплари" олдида собиқ комсомол ташкилоти авлиё. Чунки "Камолот" таркибида ўлик рух, ташаббуссиз ёшлар йиғиндиси лойқаланиб туради. Улар ўргатилган қўшиқларни жўр бўлиб, хўр бўлиб такрорлашади, тамом. Зотан, уларнинг миссияси шу. Уларда на илм, на маҳорат бор. Шунинг учун ташкилот Республика ҳаётида умуман ўз ўрнига эга эмас, аксинча, халқнинг мазах ва кулгисига сазовор бўлиб юрган ташкилот у.

Шу ташкилот вакили "ватанпарварлик" руҳи жўш уриб, мавжуд вазиятни "чуқур" тушуниб, Фейсбук, телеграмм ва одноклассники мессенжерларини ёпайлик, кейин "ўз" домени сайтларимиз ривожланиб кетади деб "ташаббус" кўрсатибди.

Чунки номлари қайд этилган сайтлар ёшларнинг онгини заҳарлаётган экан! Ёшлар бу сайтлар орқали "бузғунчи" ғояларга, айниқса, ИШИД ғояларига алданиб қолишаётган экан!

Аслида, эса гап унда эмас. Буни кўпчилик тезда англади. Гап шундаки, Ўзбекистон ҳукумати муҳолифларининг, хусусан, Халқ ҳаракатининг мақолаларибусайтлар орқали кенг тарқалиб кетяпти. Шахсий ёзишмалар орқали ҳам сайт мақолалари ўз ўқувчиларига етиб бормоқда. Қолаверса, Фейсбукдан фойдаланаётган ўзбек ёшлари, ҳатто, ёши улўлар ҳам ҳадларидан ошиб кетишди. Улар оммавий равишда Каримов ҳукуматини ошқора танқид қилишга ўтмоқдалар. Жойлаштирилаётган постларнинг катта қисмида Каримов ҳукуматини танқид қилиш руҳи яққол сезилмоқда. Масалан, фаол фойдаланувчилар турли ирония ва истехзолар билан Каримовнинг қариб қолгани, ҳукуматнинг чиригани ҳақида ёзишмоқда.

Динни тақиқлаш яхши эмаслиги ҳақида эса ёшлар дадиллашиб фикр билдирмоқдалар. Бу фойдаланувчиларни йўқ қилиш жуда қийин. Чунки уларнинг сони кўпайиб, сафи кенгайиб кетяпти. Айниқса, улар ўзаро гуруҳлар яратиб олишяпти. Биз четдагиларни эмас, Ўзбекистон ичкарисида бўлиб, ҳукуматни танқид қилаётган фойдаланувчиларни назарда тутяпмиз.

Улар кундан кун эҳтиёткорликни йиғиштириб қўйишяпти. Ёшларнинг кайфияти, эмоцияси кучайиб борапти. Ўлик муҳитга жон кирапти. Бу ҳозир биринчи босқичда турибди. Аммо кейинчалик унинг оқибати Каримов ва унинг режими учун хатарли бўлиши мумкин. Буни кўра билган МХХ эса узоқ ўйлади.

Оқибатда, "Камолот" орқали – гўё ёшлар орқали фейсбук ва бошқа мессенжерларни ёпиб қўйишни амалга оширмоқчи. Бу ишини эса "ўз" домениларини ривожлантириш ҳамда ИШИДга алданиб қолиш хатари билан ниқобламоқда.

Яқин 25 йилда Каримов тўдаси амалга оширган жирканчиликларни кўриб, билиб айта оламизки, бу ишни унинг ҳукумати бемалол уйдлаши мумкин. Шу орқали ёшларни жаҳон ижтимоий тармоқларидан узиб, уларни яққалантириб, сўнг бирма-бир ҳибсга олиб йўқ қилиб юбормоқчи.

Мазкур шароитда Ўзбекистон ёшлари ҳамда халқаро ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ўз ҳуқуқларини теранроқ англашлари учун зарурат пайдо бўлмоқда: улар мессенжерларнинг тақиқланишига нисбатан ўзларининг кескин норозиликларини билдиришлари лозим. Интернет тезлигини пасайтириш, халқаро тармоқ ишини сифатсизлаштириш борасида ҳамма ишни қилаётган Каримов режимига бўйсунмаслик мумкинлигини кўрсатиш вақти келяпти.

Зотан, мессенжерларнинг Ўзбекистонда ўз фаолиятини тўхтатиши оддий ҳодиса бўлмади. Бу инсон ҳуқуқларини, хусусан, бутун дунё фойдаланаётган қулайликдан халқни тўсиш, уни ахборот манбаидан, бирдан бир мустақил фикр минбаридан маҳрум қилишдир.

Албатта, бу борада нимаики имконда бор – амалга оширилади: ТВ, радиода махсус дастурлар уюштирилади, "Муносабат+", "Сўз ёшларга" каби бир-бирига ўхшаб туғилган шоуларда бир тўда "ақлли" шахслар йиғилиб олиб бу мессенжерларни қоралашади, газеталар мақолалар чоп қилади, сўнг "иложсиз" қолган ҳукумат халқнинг истагини қаршисида "таслим" бўлиб мессенжерларни ўчиради ва муродига эришади.

Мана шу – Каримов режими, МХХнинг режасидир.

Бу аҳмоқона ва золимона, айни пайтда ожизона режадир. Бу бизга туяқушни эслатади. Чунки, Каримов режими туяқушга ўхшайди.

Туяқушга уч десалар, туяман дер экан.

Шунда юк кўтар дейишса, қушман дер экан.

Кейин бирор офат юз берса, бошини тупроққа тикиб, мен хавфсизман, ҳеч нарсани кўрмайман дер экан ўзига ўзи.

Каримов режими ҳам туяқуш каби бошини тупроққа тикипти, ўзини қушман, туяман деб атамоқда ҳамда муҳолифларига, ўз халқига кулги бўляпти, масхараланмоқда. Зотан, у шунга маҳқум.

Абдуллоҳ Нусрат

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Одил Ёқубнинг ўзида шундай жасорат борми? Бўлганда қандок? Ҳали Ўрта Осиёда бирон – бир давлат арбоби, бирон – бир ёзувчи, бирон – бир олим айтмаган гапни айтди. Москвада, улуғ съездда, КПСС Марказий Қўмитаси Бош секретари, СССР КГБси, МВД си бошлиқлари ва юзлаб делегатлар олдида айтди.

Қамокдан,
Қийноқдан,
Босимдан,
Ўлимдан қўрқмай айтди.

Пахта куллиги, унга сепилаётган оғу, мактаб болаларини ҳам далаларда (ёгин – сочинларда) ишлаётгани, аёлларнинг аянчли аҳволи, миллионлар захарланаётгани, майиб – мажруҳ бўлаётгани, ўлаётгани, Орол фожеаси, Қорақалпоғистон ва Хоразми қум босаётгани тўғрисида гапирди.

Ёниб гапирди,
Куйиб гапирди.

Инсон ҳаёти учун ҳеч қандай шарт – шароити бўлмаган ярим йиқиқ, лойсувоқ уйларда газсиз, тоза сувсиз, кўп ҳолда чироқ (свет) сиз яшаётганидан, қўлникидан – да оғир меҳнатдан, нонга ҳам етмайдиган маошдан, йўқлик, очлик, хор – зорликдан юзлаб хотин – қизлар ўзларини осаётгани, ёқаётгани ҳақида гапирди.

Ёниб гапирди,
Куйиб гапирди.

Ҳамма эшитди:

Жон қулоғи билан,

Маҳзун бўлиб,

Дардга шерик бўлиб.

Ҳамма қўллади.

Ҳатто ўрислар ҳам.

Фақат уч – тўрт ўзбекдан ўзга.

Яъни:

Қалблари,

Миялари,

Онглари,

Тиллари кишанланган:

Манкурт,

Ялтоқ,

Ялоқ,

Маддох ўзбеклардан ўзга.

Шунда ихтиёрсиз бир йўсунда бошимга Муҳаммад Солихнинг сўзи келди:

“Кишанланган қалблардан қутилиш учун тафаккур бирлиги лозим”.

ТУГАНМА

Томчи томаверса, тошни ўяди. Тухмат ҳам шундай нарса. Охири чалади... Ғаламислар юқорига



Эврил Турон: Кишанланган Қалблар (ЯКУН)

қатнайвериб, оёқ кийимларию томоқларини йиртишди. Оқибат: мени ишдан олишди. Тўғрироғи, номи улуғ суғраси қуруқ, ҳисобида чақаси йўқ Ўзбекистон Маданият фондида, раис лавозимига ўтказишди. Фаҳмимча, чўктириш учун. Мен бор кучим билан чўкмасликка урундим. Балчиқ қўлдан қирғоққа соғ – омон сузиб чиқдим. Жамғармани оёққа турғаздим. Бу пайтда Одил Ёқуб ишдан четлатилган, Ёзарлар уюшмаси иккига бўлинган эди:

Эски уюшма,

“Адиб”лар уюшмаси.

“Адиб”ларга Эркин Воҳид раис этиб тайинланди. Ватан, Миллат ғамидан йироқ бир гала ўрта бузару қони ётлар унинг атрофига тўпландилар. Шулардан бири – Мурод Гул Сохта. У айрича... йўл – Президент девони маслаҳатчиси Мавлон Умрзоқов орқали тепага чиқиб олди. Ўпкаси йўқ, гуппи Усмон Қуруқ ҳам айни шу” усул “ билан парвоз қилди... Дунёда ҳеч кимга дўстлик қилмайдиган бу икки бузуқи секин – секин Уюшма қоравуллигига ҳам арзимайдиган, ёздиқларидан пишак ўлиги ҳиди келадиган Калта Кетча, Айри Сузук каби қонлари ёт гуруҳвозларни ўз ёнларига тортишди. Энди, бунда Мавлоннинг кўнглига ҳам қараб ўтиришмади. Билбакс, Одил Ёқуб мисол... унинг остига ҳам сув қуйишга киришишган эди. Ҳовлиқма Усмон Қуруқ эса вице президентликка, ҳатто президентликка интилди. Шулар

Чўлпон, Фитрат, Қодирий каби миллий қаҳрамонларга осилган, кейинча “Мустақиллик либоси “ни кийган собиқ Совет Маддохи Озод Шарофиддин (ўз машинасида одам босиб ўлдирган, Абдулла Қаҳҳорнинг КГБ даги ҳамтавоғи Чўлпон, Фитрат, Қодирий, Усмон Носир каби миллат қаҳрамонларининг бошига етган К. Берегин ёрдамида қамокдан қутилиб қолган қотил) ов, ёрдамида шоир Шукруллони тухмат билан қаматган, уйини тинтув қилдирган Саид Аҳмад, Ленинни кўқларга кўтариб мақтаган Эркин Воҳидов, эътиқодидан қайтган Абдулла Ориповларни “Ўзбекистон Қаҳрамони “ даражасига кўтаришган. Бу – Эл ойдинларининг фикрларидир.

“Президентни чалғитган...” деган гап ҳам бекорга чиқмаган. Умрлари бўйи эл, юрт озодлиги учун курашган иқтидорли, тоза қонли, хур ниятли ўзбек йигит – қизларини тепага яқинлаштирмаган ҳам, ёмон кўрсатган ҳам, қаматган ҳам, ёт юртларга қувдирган ҳам шулар. Тангрига онт ичиб айтаман: мустақиллик учун умуман курашмаган, “Эрк”, “Озодлик”, “Истиқлол” сўзларини тилларига ҳам олмаган, билбакс қарши турган бу шумғиялар Мавлонга ўхшаш кўнгли бўш кишилар орқали “парвоз” қилган... Ойдинлар:

“Буни президент кеч пайқаган” дейишади. Ҳар кўчук кеч бўлса

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ҳам, боқилган қўйларники каби семиз думларига тепилди... Бироқ Хайридинга ўхшаш миллий туйғудан узоқ, ёздиқлари бир тийинга арзимайдиган икки – учи қолди. Райҳон орасига яшинган чирмовиқ мисол. Уни “ Хайри “, “ Ғайри”, “ Айри “... дейишади. “ Семриб кетган” дейишади. Ўғлини “Мерседес “да одам босиб ўлдирган” дейишади. “ Мерседес “... Қайси маош ҳисобига?.. Юртбоши миллий кино – фильмлар ишлаб чиқаришга ажратган пул ҳисобигами?.. Ёки туманларга ҳокимлар (12та ҳокимни қўйдирганмиш) қўйдириш ҳисобигами?..

Қотил қандай қилиб қамоқдан қутилиб қолган? Отасининг сояи – давлатидами?..

Қотил қайси йўл ... билан хорижга дипломат бўлиб кетган? Отасининг сояи – давлатидами?..

Қаҳор ўзбек эмасди... Шунинг учун ҳам ўзбек – турк кечмишини лойга қорган. Шунинг учун ҳам ўзбекнинг асл ўғиллари – миллий ботирларни қаматган, оттирган. Хайри – чи? У ҳам аслан ўшанинг уруғидан. 1904 йилда рус шарқшунос олими Кузнецов Тошкент вилоятидаги, жумладан, Паркент тумани марказидаги “ Хўжа “, “ Ўчоқ” маҳаллалари тожикларининг ўзбеклашаётгани ҳақида китоб ёзган. Унинг бир нусхасини мактуб билан бирга Санкт – Петербурга - Бартольдга ҳам юборган. Фахриддин “ Хўжа “ маҳалласидан. Ўзбек- хотин қизлари ичидан чиққан биринчи фотограф, Кино режиссёр Умида Аҳмедова менга: “ Бизлар у эски ўзбеклашган тожик маҳаллаларини “Сойнинг нариги юзи” деб атаёмиз” деган . Талай марта. Қамоқда ҳам бу гапни бошқа паркентликлардан эшитганман. Хусусан:

Донгли Рухиддиндан ҳам...

“ Сойнинг нариги юзи”...

“ Ўзбеклашган”...

Ген масаласида тортишиш ниятим йўқ. Аммо ўз тажрибам ва ақлимга таянган ҳолда шуни айтаман:

Мен ўз тилларини бутунлай йўқотган ва туркча сўзлайдиган:

Юнонлар,

Курдлар,

Чиганалар,

Араблар,

Яхудийлар...билан кўнишганман.

Улардан қайси миллатга мансубликларини сўраганимда, ҳар бири ўз этник келиб чиқишини

айтган. Тулки бўрича улиса, бўри бўлмади.

Миллатнинг ёмони йўқ, ёмонлари бор. Ана шулар ўзларича об –ҳаво қиладилар. Хайри ўз иши йўналиши бўйича Қаҳқорларга бенгзамайдими?

Давлат бюжетигаги оммавий ахборот воситалари савиялари қандай? Уларни эл ўқийдими? Ўқишга арзигулик мазмун, моҳияти борми? Улар Совет матбуоти кўланкасига ўхшамайдими? Ўхшаса эл қаердан маънавий озуқа олади?

Менимча, радио, телевидение, журнал, газеталар халқ ўқийдиган даражада ислоҳга муҳтож. Менимча, Сирожга ўхшаш лояқатсиз редактор, мухбирларни ўз эл – юртини жон – дили билан севувчи ўткир ақил, ўткир қалам эгалари ҳисобига алмаштириш вақти етган.

Унвонлар кимларга берилаяпти?

Истеъдодлар нега четда қолаяпти?

Нима учун Темур ҳокон юртида арзигулик бирон – бир кино- фильм яратилмаяпти? Бу тўғрида Ғоффор Ҳотам билан гаплашганимда, у менга қуйидагиларни айтган:

“ Юртбоши жон қуйдираяпти. Аммо бир одам – одамда. Минг бир иш, минг бир ташвиш... Қай бирига улгуради? Аравани ҳамма бирдек тортмаса қийин. Айб Хайритдинда. У ўз тўдасидан нарига ўтмаяпти... Кўзини ёғ босган. Президент яхши ният билан жаҳонга маъқул бўладиган миллий кино – фильмлар ишлаб чиқиш учун миллиардлар ажратган эди. Ирқининг тайини йўқ Гулмуродга ўхшаш очкўзлар еб қўйишди. Жиноятни яшириш учун Тўлаганни курбон қилишди... Жиной иш қўзғолган. Лекин бир нима чиқишига ишонмайман. Бошида Хайри турибди”...

Элда: “ Бир чичоқ эчки ҳамма ёқни булғайди” деган гап юради. Қаҳқорлар издоши – гуруҳовлар уяси туг – томири билан бузулмас экан, Юртнинг юксалишига умид боғлаш қийин. Олдинга эмас, орқага кетиши ҳам мумкин. Янги қаҳқорлар фитнаси сабабли истиклол бошида умрлари бўйи озодлик учун курашган икки ёзувчи қамалди:

Сафар Бекжон,

Эврил Турон.

Секин – секин бу кўрсаткич ортиб борди... Чин сўз оидинлар ҳисобига...

Мен тутқунларнинг Бош Касалхона (Сангород) сида бир ўлимдан қайтган, озиб - тўзиб, адоий - тамом бўлган Сафар Бекжонни

кўриб танимадим. У менга синиқ, жуда синиқ жилмайди. Шундагина мен уни Сафарга бенгзадим. Зўрға. Мен ҳам бир аҳволда эдим. Аянчли аҳволда. Жигар – бағрим эзилди. Ўпкам тўлиб, кўзимга ёш келди. Сафар Бекжонни кучоқлаб йиғладим. У ҳам...

Мурод Гул, Усмон Қуруқ, Қалта Кетча, Эроз, Саъдулла Кетмон, Сулаймон Соп, Айри... қисқаси, “ Қора гуруҳ” номини олган тўда Ўзбекистон Ёзувчилари Уюшмасини иккига бўлгани ҳақида кўнишдик.

- Бу ҳам оз гуруҳовларга, - деди ўқсиб Сафар Бекжон.

- Пушкин кўчасидаги уюшма биноси ҳам, мен таъмирни охирига етказганим – ёйсимон олти қатли бино ҳам қўлдан кетибди. Иккови ҳам банкга айлантирилибди.

- Бу ҳам оз гуруҳовларга, - деди яна ўқсиб Сафар Бекжон.

- Уюшма ижарада эмиш.

- Баттар бўлсин!

- Абдулла Орип раис эмиш.

- Энди бўстон чўлга айланади...

- Мен СССР Ёзувчилари Союзи аъзоси эдим. СССР ўлди. Энди Ўзбек Уюшмасидан ҳам ўчирди. Бир сохта протокол билан уч кишини:

Муҳаммад Солиҳ,

Дилором Исоқ,

Эврил Турон...

- Аҳмад Яссавий, Зебунисо,

Бобурлар қаторига қўшилганларингиз билан кутлайман!

- “Адиб” аъзолари парвоз қилишибди...

- Ҳаром йўл билан,

Қинғир йўл билан,

Хиёнат билан... – Сафар Бекжонни йўтал тутди. У кўксини тутиб ўтирди. Қон тупурди. Кейин яна қалқди. Юз – кўзига ўлмаслик, енгилмаслик, курашишдан далолат берувчи ифодалар ёйилди. Қуйиб сўзлади:

- Сотқиннинг умри қисқа бўлади...

Эл қарғайди.

Тарих ланъатлайди!..

Сафар Бекжон хийла вақтгача жим қолди. Сўнг ғам тўла овоз билан шуни айтди: - Уюшма Одил Ёқуб раислигида кудратга кирди. Элнинг, эл оидинларининг маккасига айланди. Энди синди. Синиқлигича қолади. Узоқ йилларгача...



imean.uz номли домен остидаги блогини кузатиш кифоя. Унинг мақолаларидаги очиклик, ўткирлик ва ёндашувнинг теранлиги сизни ҳам футболга ошно қилиб қўяди.

Каримов деярли ҳар доим: “Қани, бел боғлаб чиқсин ёшлар! Маррани катта олсин! Шу ишни мен қиламан десин! Агар шундай демаса, мен айтган бўлардимки, шунча йил бекор ўтибди...” – одамларга кизб бериб келади. “Юртбоши”нинг бу “оташин” чақирғига Диёр каби йигитларнинг отилиб чиқишини жавоб деб қабул қилса бўларди.

эса уни ўзгартириш фикридан воз кечиб, уни нима қилиш ҳақида ўйлашпти. Раҳбарият – бу МХХдир. Энди Диёр ўзи ёш бўлса ҳам, машҳурликка эришиб қўйган. Унинг ишдан бўшагани ҳақидаги хабарга одамлар бепарқ бўлишлари қийин. Энди Диёрни қандайдир айб билан қоралаш, керак бўлса, қамоққа ташлаш керак. Бу – МХХ бош қотираётган муаммо. Аммо йигитчани қандай айб билан айбласа бўлади? ИШИДчи, хизбчи, ваҳҳобий дейиш қийин. Йигитча намоз ўқиб турса ҳам диний

Диёр Имомхўжаев. Хайрулла Ҳамидов. Тузумга исён ва футбол

Ироқда уруш. Ўзбекистон типпатинч. Пашшанинг қаноти қоқилса, овози эшитилади.

Ироқ ва Ўзбекистон терма жамоаси футбол ўйнаган эди. Ўзбекистон шармандаларча мағлуб бўлди. Бу масала Ўзбекистондаги барча футбол ишқибозию ишқибоз бўлмаганларни жаҳлини чиқарди. Ҳатто, ёзувчи Тоҳир Малик футболчилар бўйнига очоқ бойлаш кераклиги ҳақида тавсия берди.

Агар шу футбол мисолида кўрадиган бўлсак, халқаро миқёсда ном қозониш учун мамлакатдаги “тинчлик” камлик қилар экан. Зотан, бу Муҳаммад Солиҳ таъбири билан айтганда, “Қабристон тинчлигидир”. Қабристонда гўрковдан бўлак ҳамма ўлик бўлади.

Имомхўжаевлар сулоласи кўпчиликка яхши таниш. Сулоланинг навқирон вакиллари билан Диёр Имомхўжаев бугун Ўзбекистонда, Ўзбекистон шароитида ўз шиддатига эга журналистдир. Ундаги дадиллик, фавқуллодда фикрлаш қобилияти кўпчиликни ҳайратга солади. Диёр бугунги Ўзбекистонга ўзга сайёрадан қелиб қолган одамдек тасаввур уйғотади. Унинг баъзан камгаплиги, баъзан эса сергап бўлиб кетиши, эмоционал кайфияти, ўздан сунъий одам ясаб олмаслиги, ҳамиша табиий характери билан қолиши, энг муҳими, ўз касбининг чинакам устаси экани алоҳида таъкидланиши керак. Чунки унга ўхшаган иккинчи журналистни Ўзбекистонда кундузи чироқ ёқиб қидирсангиз ҳам тополмасангиз керак. Албатта, бу каби шахс атрофдагилар билан кўп зиддиятга бориши ҳам табиий ҳол. Уни ёмон кўрадиганлар, ҳасад қиладиганлар кўп.

Йигитчада шарҳлаш, вазиятни анализ қилиш қобилияти юқори. Ҳамкасблари орасида ҳурмати юқори. У табиатан қул эмас, эркин одам. Бунинг учун унинг

Аммо отилиб чиққан Диёр бугун оёқ остига тушди. Уни эзиб ташламасалар деб хавотирдамиз...

Диёр “Спорт” телеканалда футбол шарҳлаб юрарди, кейин “Соккер клуб” деган кўрсатув тайёрлади. Бу кўрсатув ийгирма беш йиллик ТВ тарихида, ҳарқалай, жиддий воқеа бўлди. Чунки бу кўрсатувда барча чекловлар синдирилди, ўзбек футболининг асл башараси қандай эканлиги фош қилинди. Ўзбекистонда мамлакат чемпионати бўлганда бу ўйинларнинг ҳаммаси театрлаштирилиши очиб ташланди. Мен у кўрсатувни кўриб ҳайратландим. Бу ҳақда мақола ёзаман деган эдим, аммо ишим кўплиги учун қўлим тегмади. Ушанда мақолада “Соккер клуб” қанча яшайди?” деган масалани қўймоқчи эдим. Ёмон ният қилган бўлмай тагин деб бир хижолат ҳам бўлгандим. Аммо бу “ёмон ниятим” тилимга кўчмай амалиётга жорий бўлиб кетди: кўрсатув тўхтатилди, “Спорт” телеканали раҳбарияти мутлақо алмаштирилди. Ҳали бир йил ҳам ишлаб улгурмаган ёш кадрлар – директор, унинг ўринбосарлари итқитиб ташланди. Буларнинг ҳаммаси 2016 йилга атиги бир неча кун қолганда рўй берди.

Диёрнинг ўзи ҳам ишдан ҳайдалди. Албатта, биз ҳайдалди дейишга мажбурмиз. Чунки ҳақиқат шундай. У тайёрлаган кўрсатув учун бошига ёғилган ва ёғилишда давом этиб турган маломатларнинг икир-чикир тафсилотлари худди бошқалари билан ўхшаш: “Сенинг калланг жойидами? Қисиб юрмайсанми футбол шарҳлаб! “Соккер клуб”ни нега тайёрладинг? Бу МХХнинг буюртмаси эдими?!”

Шунга ўхшаш саволлар Диёр ва унинг дўстларига берилган. Бугун Диёр Имомхўжаев уйда ишсиз. Ёш ва талантли кадр депрессив бир кайфиятда қолди. Раҳбарият



қарашларини жамоат жойларида умуман “гулламаган”. Дин борасида оқиллик қилмаган. Ҳозир одамларни қамоққа тиқишнинг оммабоп усули ИШИД ва хизбут таҳрир. Бу чора йўқ. Порахўрликда айблаб бўлмайти уни. Чунки бошлиқ эмас. Энди МХХ бошқа ишни амалга оширмақчи: Диёрни пана бир жойда тутиб дўппослаб кетиш. Бу саҳнани ҳам амалга ошириш жуда мураккаб.

Биринчидан, Диёр спорт шарҳловчиси бўлгани билан биргалликда спортсмен. Фейсбукка тез-тез мушакларини кўз-кўз қилган суратларини жойлаб туради. Ҳақиқатан ҳам, чиниқққан, чайир бола.

Иккинчидан, 2015 йилнинг ўзида икки журналист ўлди. Энди бунисини калтаклаш бироз бўлса ҳам шов-шув уйғотиши мумкин. Аммо қулоқсиз Диёр Имомхўжаев ишдан бўшатиб ҳам безрайиб ўзбек футбол системасини танқид қилиб утирибди.

Хайрулла Ҳамидов деган машҳур журналист ҳам футбол шарҳловчиси эди. Аллоҳ унинг қалбига ҳидоят солди ва у диний дастурлари билан Ўзбекистонга танилиб кетди. Унинг шўхрати

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

катта тезлик билан таралди. Унинг маърузалари ёзилган дисклар миллионлаб нусада қўлма-қўл бўлди. Унинг маърузалари таъсирида минглаб одамлар гуноҳ йўлдан қайтди. Бундан ҳукумат қўрқиб кетди. Хайрулла уялмасдан ҳукуматни танқид қилишга ўтди. Ошқора равишда тузумга зарба беришга тушди. Аммо уни зудлик билан тутишди ва қамашди. 2015 йил Наврўзда озодликка чиққан Хайрулла жазо муддатини ўтаб бўлди деди. Аммо кўпчилик у МХХга ёллангани учун ташқарига чиқарилди деб гап тарқатди. Хайрулла бундай эмаслигини айтиб сайёд.ком деган отарчилар блогда чиқиш қилди ва футбол ҳақида газета чиқара кетди.

Бир қараганда Диёрнинг ҳаракатлари Хайруллага жуда уйқаш. Хайрулла руҳан сингани, МХХ га агент бўлиб ёллангани тасдиқланмаган маълумот, аммо

ижтимоий тармоқларга жойлаётган шеърларидаги кайфият у ўзининг иймон ва эътиқодига содиқ қолганидан далolat қилмоқда.

Диёр Имомхўжаев ҳам бугун Хайрулла Ҳамидов каби ҳукуматни, МХХни безовта қилиб қўйди. Аммо унинг кўплаб ҳамкасблари жим. Фақатгина knp.uz ахборот сайти мавжуд вазиятни ёритди. Бу сайтда Диёрнинг дўстлари ишлашади.

Фейсбук фойдаланувчиси, ўзининг жуда кўп муштарийларига эга бўлган Мусанниф Адҳам Диёрни нима учун ҳамкасблари хайрон қилмаётганлари ҳақида атрофида кўплаб ўқувчилар футбол мисолида Ўзбекистон ҳукуматининг чириб бўлган системасини кўриш мумкинлигини айтмоқдалар.

Бундан ташқари кўшимча қилиб айтиб қўйиш лозимки, Каримовнинг биз ривожланиб кетаётган 5 мамлакатнинг биримиз деб берган “ҳисоботи” кўпчилик томонидан очик мазах қилинмоқда.

Биз ушбу мақоламизда бир шахс – Диёр Имомхўжаев ҳақида кўп гапирдик. Чунки фақатгина унинг мисолида мавжуд тузумга дадил қарши чиққан ва уни ўзгартиришга уринган, шунинг учун синдирилаётган инсонни кўриб турибмиз. Бундай жасорат эгаларини таниб олишимиз керак.

Аллоҳ бундай инсонларга нусрат берсин, сабр ато қилсин. Биз айтамызки, яқин-орада Ўзбекистон ҳукумати ағдарилгач, Диёр Имомхўжаев каби жасоратли ёшларга кенг йўл очилади. Улар ўзлари истаган барча сўзларни айта оладилар. “Журналист бўлишни истамаган журналист” эмас, чинакам журналист бўлиб ишлай оладилар. Дарвоқе, бу йигитчалар ўзбек футболига кўп қайғуришади, айтиб қўйиш керакки, Ўзбекистонда система алмашмас экан, Каримов тахтдан йиқитилмас экан, футбол тугул, бошқа соҳалар ҳам балчиқда қолаверади.

Абдуллоҳ Нусрат

Кўплаб шифокорлар, ўзак хужайраларининг фаолияти ҳақида сўзларкан, маълум бир аъзонинг соғайишида ижобий таъсир билан бир қаторда деярли доимо терининг ёшариши, қувватнинг ортиши, ҳаёт даражасининг ошиши, оқ сочларнинг йўқолишига қадар умумий ёшариш кузатилишини таъкидлашади.

1 ҳафтадан 5 ҳафтагача шахсий очлик қилиш усулининг 20 йиллик тажрибаси давомида, мен ҳар сафар очликдан чиқиш вақтида шу аломатларни кузатаман. Шунинг учун мен “Криоцентр” директорининг илмий тадқиқотлар бўйича ўринбосари биологик фанлар доктори Ю.Романовга ўзак хужайралар миқдорини ўлчаган ҳолда ўзида тадқиқот ўтказишини таклиф қилдим.

Ишга боришда давом этиб, жисмоний машғулот ва нафас олиш гимнастикаси билан шуғулланароқ мен бир ҳафта тайёрландим, бир ҳафта сув билан очлик эълон қилгач, 3 ҳафта давомида очликдан чиқдим. Ўзак хужайралар сонини 7 кунлик очликдан олдин, чиқгандан сўнг ҳамда бир ҳафта ва икки ҳафтадан кейин ҳисобладик. 7 кунлик очлик сўнгида қондаги ўзак хужайралар сони камайгани аниқланди.

Аммо, очликдан чиқгач 1 ҳафтадан сўнг улар сони икки баробар ошди, 2 ҳафтадан кейин эса хужайралар сони очлик эълон қилишдан аввал ҳисобланганга

Оқ сочлар йўқолишига қадар ёшариш мумкин!

нисбатан уч баробарга кўпайди. Биринчи мартаба очлик қонга ўзак хужайраларни ҳайдашга, яъни, физиологик янгилашиш жараёнларини кучайтириши ва оксил тизимларининг ошишига ёрдам бериши исботланди.

Тадқиқот қиммат реагентлар қўлланароқ қимматбаҳо ускуналар ёрдамида ўтказилди, шунинг учун ҳисоблашни, ўзак хужайраларнинг ўсиши ҳали давом этаётган, “энг кизик” пайтда тўхтатишга тўғри келди. Ўзимнинг 20 йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, ҳаттоки бир ҳафталик очликдан кейин ҳам ижобий таъсир бир неча ой давом этади.

Натижада шуни таъкидлаш керакки, очлик билан, ўзак хужайралар ортишини кучайтириб, 15-25 йилга ҳаётни узайтириш мумкин. Инсон ўз-ўзида ижодий жараён ва ёки иш фаолияти учун жуда зарур, айнан ўз генетик саломатлик заҳирасини бир неча ойдан токи бир йилга қадар сақлаш учун ўзак хужайралар банкени яратиш мумкин.

Узоқвақт очлик қилиш жараёнида организм фаол равишда тозаланади, яъни, “эскирган” – шундай ҳам кўп умри қолмаган хужайралардан озод бўлади. Натижада тўқималарда ўзак хужайралар учун бўш “уйлар” юзага келади. Бўш уйлар пайдо

бўлгандан кейин, унда истеъқомат қилувчилар зарур бўлади. Ўзак хужайралар қонга қўшилиб, организм бўйлаб ўрнашади ва унинг янгилашишига ёрдам беради. Олинган тадқиқот маълумотлари биринчи мартаба бу ҳодисанинг биологик мақсадга мувофиқлигини тасдиқлади. Мана шунинг учун даволаш очлиги ушбу маҳанизм ёрдамида кўплаб касалликларни даволайди ва организмнинг яққол ёшариши ва саломатлашишига олиб келади.

Ухлашдан олдин овқатланиш

Ҳазм бўлмаган овқат кечаси билан, ўзидан кўпсонли заҳарларни чиқарган ҳолда ичакларда ётади. Кейин, тонгга яқин, қуёш озуқа моддаларини қонга сўрилишини фаоллаштирганда, заҳарларнинг катта миқдори муваффақиятли равишда қонга сўрилади ва сизнинг организмнингизни барбод қила бошлайди. Бундан асосан асаб тизими зарар кўради. Натижада уйғонгандан сўнг ҳолсизлик, заифлик, чарчоқ ва хордиқ йўқлиги ҳис қилинади.

P.S. Ва шуни эсда тутингки, бор йўғи ўз истеъмолимизни ўзгартириб – биз биргаликда дунёни ўзгартираемиз!

Манба: econet.ru
ЎХХ хабарлар бўлими

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Капитаннинг ёнида қўлида чарм таёқ ўйнатганча турма назоратчиларидан бири ҳам келарди. Улар мени кўришлари билан таққа тўхташди.

— Жойингдан жилма, Шарипов!.. — бақирди капитан. Турма назоратчиси эса шу заҳоти навбатчилик қисми томон чопиб кетди.

Мен буйруқни сўзсиз адо этдим. Икки қўлимни орқага қилганча жим туравердим.

Капитан дадил юриб келиб қўлимни кишанлади. Бу табиий ҳол эди. Лекин бир нарсага тушунмасдим. Одатда менинг тутиб қўйган ишим ҳазилакам эмас. Турмадан қочган маҳбусни ўнлаб аскарлар қўлларида қурол билан “қарши” олишлари, маҳбус турли қийноқларга гирифтор этилиши, бундан ташқари, муддатига яна қўшиб берилиши лозим эди. Нега мени фақат капитангина қўлга олди? Йўқ, адашибман. Ҳали нафас ростлаб улгурмасимдан йўлак аскар, офицерларга тўлди. Қандайдир қориндор майорнинг буйруғи билан аскарлар икки қўлтиғимдан маҳкам қисиб иягимни полга теккизишди. Бошқалари тепа-тепа икки оёғимни икки ёнга суриб ташлашди.

Тепамга қўлимни кишанлаган капитан келиб совуқ тиржайди.

— Ҳа, қаҳрамон, қўлга тушдингми? — бақирди у гўё ўзини намоийш қилмоқчидек. — Турма энангни уйдайд кенг бўлиб қолибди-да-а сенга? Ё бизни изкувар итга йўймоқчи бўлдингми?

— Ит бўлмай кимсан? — аскарларнинг босими остида хирилладим. — Итдан баттарсан!

— Ҳали буниси ҳолва — давом этди капитан ёнидагиларга бир-бир қараб чиқиб. — Газ тўлдирилган карцерда ярим соат ўтирсанг, биласан.

— Капитан, хотининг жуда чиройли экан-а? — хаёлимга келган гапни қайтариб ўтирмадим. — Бир кўрганим бор эди. Қомати кўзни қамаштираман дейди-я!.. Ҳойнаҳой тўшакдаям унча-мунча эркакни еттинчи осмонга олиб чиқиб қўядиганга ўхшайди. Библиб қўй, озодликда шунақа хушрўйларга хуштор бўла оладиган братваларимиз бор. Бир оғиз шипшитсам, хотинингни дарров илинтиришади. Уйлаб кўр!..

Шу гапим капитанга қаттиқ таъсир қилгани унинг кўзларини ола-кула қилиб жавдирашидан сезилиб қолганди. У оёғи куйган товукдек типирчилай-типирчилай, аскарларга буюрди:

— Ҳозирча камерасига олиб боринглар!.. Турма бошлиғининг ўзи кейинроқ ҳал қилар!..

Камера томон мени аскарлар



Зулматдаги умр-30

эмас, ўзимни йўлга кузатиб қўйган назоратчи олиб кетди. У ортимда кетиб бораркан, турма ходимларидан узоқлашишни кутди чоғи, йўлак бўйлаб бориб чапга бурилганимиз ҳамано менга сўз қотди.

— Юрагинга қойилман, Бургут! Жонинг ҳам кўзингга кўринмас экан-а вей!

— Кўрқсам, турмангда ўтирармидим? — дедим совуққонлик билан. — Анави ўзиям емайдиған, бировгаям бермайдиган итларингдан кўрқайми? Ким бўпти улар?

— Локигин... Капитанни бопладинг! — деди назоратчи кулиб. — Хотинчасини ўлгудай яхши кўришини билган экансан-да!..

— Балки билгандирман. — ҳафчаласизлик билан жавоб қайтардим.

Очиғи назоратчиларгаям ўта ишониб юбориш ярамайди турмада. Ҳаммаси дўмбирачи. Сендан гап олади-да, ликиллаб бориб ё навбатчилик қисмига, ё тезкор гуруҳ бошлиғига сотади. Шуни билганим боис ортиқ гапириб ўтиришни ўзимга эп кўрмадим.

— Уёқдан менга бирор нима олиб келмадингми? — орага чўккан жимликни бузиб сўради назоратчи. — ҳар ҳолда ёрдам бергандим.

— Ҳа, братваларнинг саломларини олиб келдим сенга. — дедим ҳамон сир бой бермай. — Сенга ҳурматлари ошибди.

— Ҳурматини пишириб ермидим ўша братваларингни? — норози тўнғиллади назоратчи. — Менга така бўлсин, сут берсин! Ушанисидан гапир, хумпар!

— Оласан ўша айтганингни. Толян қуруқ қўядиганлардан эмас. Албатта сени мукофотлайди.

— Мана бу эркакча гап бўлди. — дея назоратчи мени қадрдон камерам рўпарасида тўхтатди ва ўзи шарақлатиб эшикни очди. — Камерангда янги келган бир аристондан бўлак ҳеч зоғ йўқ. Ҳаммалари ишга кетишди. Маза қилиб дамингни олавер!

— Ким у янги келган аристон? — сўрадим. — Анавинақалардан эмасми ишқилиб?

— Билмадим. — деди назоратчи афтини бужмайтириб. — Уёғини ўзинг аниқлаб олавер! Жа устасан-ку!..

Ичимда назоратчини сўка-сўка камерага кирдим. Ҳақиқатан ўнг бурчакдаги каравотда афтини сепкил босган, чамаси ўн тўққизлар атрофидаги бир рус йигити ётар, ётган ерида папирос тутатарди.

Аристон мени кўрди-ю, сакраб ўрнидан турди ва югуриб бориб қўлидаги папиросни стол устидаги алюмин кулдонга ташлади.

— Кимсан? — қовоғимни уйиб сўрадим ундан.

— Витяман. — сал чўчиброқ жавоб қилди аристон.

— Хўш, Витя, нечанчи “ходка”?

— Б-биринчиси. — деди тутилиб у.

— Нега қамалдинг?

Витя бош эгди. Бу ҳолатини кўриб миямга дарров “Номусга теккан шекилли” деган хаёл келди ва муштларимни тугиб унга яқинроқ бордим.

— Нима, суяк тиқилганми томоғингга? Намунча шалвирайсан? Гапир!

— О-отамни ўлдириб қўйдим. — бошини ердан олмай деди Витя.

— Нима?... Уз отангни-я?..

— Ҳа, — энди Витя бошини кўтариб кўзларимга тик боқишга журъат этди. — ўз отамни ўлдирдим.

Унинг бу юзсизлиги негадир ғашимни келтирди. Лекин қўл кўтаришга шошилмадим.

— Майли, — дедим каравотим томон кетаётиб. — ҳали братвалар келсин-чи, кўрамиз.

— Н-нимани? — сўради Витя ранги оқаринқираб.

— Нимани бўларди? Ҳали сен рўйхатдан ўтишинг лозим. Бироқ ўз отасини ўлдирган одамнинг рўйхатдан ўтиши анча мушкул-ов. Братвалар кечиришмайди бу ишингни.

Шундай дедим-у, каравотимга чўзилиб, кўзларимни юмдим.

Кечқурун камерадошлар келди. Барчалари билан кучоқ очиб кўришгач, гапни чўзиб ўтирмай, Витя масаласини ўртага кўндаланг қўйдим.

— Хўш, ҳурматли аристонлар, бизнинг янги аристон уз отасини ўлдириб қўйибди. Қандай ўлдирганини билмадим-у, бироқ шу

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

иш бўлибди. Нима қиламиз?

Аристонлар менинг “разбор” бошламоқчи эканимни дарров англашди ва аввалига бир-бирларига савол назари билан қараб олишди.

— Олдин ўзи бир бошдан гапириб берсин! — деди рассом Вася.

— Жуда тўғри, — маъкуллади қария. — биз нега ўлдирганини билишимиз керак-ку!

— Қани, Витя, бошла! — дедим аристонга юзланиб. — Нега тек ўтирибсан?

— Хуллас, отам юрадиган қизимга тегажоглиқ қилган экан.

— Нима?.. — негадир кулгим қистаб ўтирганларга ҳайрат аралаш боқдим. — Юрадиган қизингга тегажоглиқ қилди? Отанг-а?.. Нима, онанг йўқми сени?

— Онам ўлиб кетганига ўн йил бўлди.

— Сен отангинг шу ишини кўрдингми?

— Йўқ, — деди Витя ердан кўз узмай. — Ксениянинг ўзи айтганди.

— Ҳа-а, демак, уша юрадиган қизингнинг исми Ксения, шундайми?

— Шундай.

— Сен шу гапларга ишондингми? Балки, Ксениянг ёлғон гапиргандир?

— У ёлғон гапиришни билмайди.

— Жа маҳмадона экансан-ку! Отанг-чи? У ёлғончимми?

— Ҳа, у мени кўзимга қараб туриб алдади... Ярамас...

— Айбини бўйнига қўйдингми ишқилиб?

— Кимнинг айбини?

— Ўзингга сал овсарроқ кўринадан, Витя? Боядан бери қулоғингга тамбур чалаялманми? Отангинг айбини, отангинг!..

— Шу гап ростми-ёлғонми, сўрагандим, у юзимга тарсаки тортиб юборди.

— Демак, ёлғон экан-да!

— Йўқ, мени дўппослаётиб “ҳа, тегиндим! Нима дейсан? Қўлингдан нима келади?” деб қичқирди.

Бу гапни эшитиб аристонлар бараварига кулиб юборишди. Мен бўлсам сир бой бермай, сўрашда давом этдим.

— Марҳумнинг ёши нечадайди?..

— Олтмишдан ошганди.

— Бадавлат одамми?

— Ҳа, райпода омборчи эди.

— Отангни қандай йўл билан ўлдирдинг?

— Тушунмадим. — кўзларимга жавдираб боқди Витя.

— Нега тушунмайсан, вайсақи? Нима билан ўлдирдинг? Бўғибми, пичоқлабми...

— Пичоқлаб. — Бу гал Витянинг овози титраб чиқди.

— Афсусланмайсанми отангинг бошига етганингдан? — сўрадим ундан овозимни ҳийла пасайтириб.

— Йўқ! — бошини баланд кўтариб жавоб қилди Витя. — Ундай

ифлосларни тириклай кўмсаям кам.

— Ё алҳазар! — деб юборишди аристонлар бараварига.

Мен азбаройи ғазабим келса-да, базўр ўзимни қўлга олиб Витянинг бўйини чангалладим.

— Бир гапим эсингда бўлсин жўжаҳўроз, — дедим ҳаммага эшиттириб. — Шалағи чиқиб бораётган эркак тишлари тушиб кетган қари итдай гап. Суякни эплаб ғажий олмаса-да, ёпишиб ириллайверади. Аммо бу гап билан отангни айбламоқчи эмасман. Кексайиб қолганига писанда қилдим холос.

Витя бу сўхбатимизнинг қандай яқун топиши мумкинлигини ўзича тахмин қилиб улгурган эди. Шу сабабли вужудида билинар-билимас титроқ туйиб, аста-секин кўрқув чодирга ўрала борди. Бу

Зулматдаги умр-30

ҳолати айна муддао. “Разбор” тинч ва муваффақиятли яқун топишига кўмак беради.

— Сезаяпманки, тилнинг қиймати жон нархига тенглаша бошлади. — давом этдим аристонларга сезилар-сезилмас кўз қисиб. — Қолаверса, хурматли аристонлар, Витя найрангбоз эмас. Фақат падарини бўғизлаб оғир гуноҳга йўл қўйибди. Бу гуноҳини нафақат биз, ҳатто Худога кечирмайди. Тўғрими?

Аристонлар бараварига сўзимни маъкуллашди.

— Шахсан мен сендақанги санқи буқачаларнинг кўпини кўрганман. — дедим Витянинг бўйини ҳамон чангалимдан бўшатмай. — Уларнинг кўзига қон тўлиб қолган. Шунинг учун нафси йўлида ҳатто отасини ҳам тан олмайди.

— Мени ҳайвонга тенглама! — бирдан “сен”лашга ўтди Витя. — ҳар ҳолда қотиллик туфайли қамалганимни унутмасанг бўларди. — Нима қиласан? Мениям отанг каби бўғизлай оламан деб ўйляяпсанми? — бақирдим унга. — Мени-я?..

Камерадаги аристонлар бараварига оҳ тортиб юборишди. Чунки, яқин орада менга ҳеч ким бу қадар ҳақорат ёғдирмаган эди.

— Ҳамма эшитди-а? — камерадагиларга юзланиб сўрадим.

— Бу қизиталоқнинг гапини эшитдиларингми деб сўраяпман!

— Албатта эшитдик. — дейишди аристонлар.

— Қизик бўлди-ку, — гапни илиб кетди қария. — ҳали рўйхатдан ўтмай туриб шартакилик қилиб қўйди бу бола.

Мен эпчиллик билан стол устидаги тутқичи ўткирланган қошиқни

қўлимга олдим-да, Витянинг томоғига тирадим.

— Ҳўш, нега титрайсан? Қилмайсанми ҳаракатингни?

Витя бу “ўйин”да мағлуб бўлганини қалбан тан олиб бўлганди. Буни ҳансираб нафас олишидан, тиззасидан тортиб, лабига қадар қалтироқ тута бошлаганидан англадим. Аммо у ҳануз сир бой бергиси келмай, эҳтиёткорлик билан ўрндан турди.

— М-мен ўлимдан кўрқмайман! — титроқ ичида шивирлади Витя. — Бекорга овора бўласан!..

— Шунақами?

Тиғни томоғига қаттиқроқ босдим. Шу ондаёқ қон сизиб кўксига оқа бошлади.

— Ҳалиям сўзингда турибсанми? — сўрадим ундан. — Босаверайми қаттиқроқ?..

Жон аччиғи ёмон. Манаман деган зўр ҳам ўзидан-да зўрроқнинг чанғалига тушгач, маҳлуққа ем бўлишини кутаётган жонивор каби жазавага тушиб қолади.

Витя кўрқув баланд келиб кўзларини чирт юмиб олди ва эшитилар-эшитилмас ёлвора бошлади.

— Кечиринг, ака! Аҳмоқлик қилиб қўйдим!.. Ўлдирманг!.. Ёлвораман!

— Энди менинг гапимни эшит, — тиғни қайтадан стол устига ташлаб Витянинг сочини ғижимладим. — Мени Бургут деб қўйишибди. Бу дегани, сендақа ҳезалақларни бир чўқишда тилка-тилка қила биламан.

— Тушундим, ака! — деди Витя. — Мен... Билмабман.

— Тушунган бўлсанг, иккала қулоғинггаям қўйиб ол. Узбошимчалигинг, қолаверса, отангга тиғ санчганинг эллиқ минг сўмга баҳоланади.

— Н-нима?.. — ўрндан туришга чоғланди Витя. Бироқ сочини ғижимлаб олганим унга панд бериб жойидан қимирлай олмади. — Б-бунча пулни қаердан оламан?..

— Отанг омборчи бўлган шекилли? — дедим аристонларга кўз қисиб. — Йиғиб қўйганларидан берасан. Аҳир, ўша манжалақа икковинг бойлик туфайли отангинг бошига етгансан!

— Ёлғон! — бақирди Витя. — Биз...

— Учир жағингни! Ҳозир синдириб оламан. Бу ерни турма деб қўйибди. Ёлғон-ростлигини сендан сўраб ўтирилмайди. Айтганча, Вася, — рассом аристонга ўгирилиб давом этдим. — Бу ўша манжалақисини уч кун ичида турмага чақиртиради. Сенга ўзим қўшиб бераман. Сенам юравермагин-да, бир жойингни чангаллаб! Мундоқ эркак бўлгин!

Витя ортиқ ғиқ эта олмади. Унга вақтинчаликка ҳожатхона ёнига жойлашишни буюрдим-да, камера эшиги томон йўналдим.

(Давоми келгуси сонда)

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Уч ой муқаддам Афғонистоннинг Зобул вилоятидаги жангларда тор-мор қилинган собиқ Ўзбекистон исломий ҳаракати матбуот котиби Нусратуллоҳ Мужоҳид раҳбари Усмон Ғозийнинг асир тушгани, 120дан ортиқ сафдошининг ўлдирилгани ҳақида ижтимоий тармоқлар орқали баёнот тарқатган. Тармоқлар орқали боғланган Озодликка жавобан Нусратуллоҳ Ғозийнинг ўлдирилгани ҳақида фотохабарга ҳам муносабат билдирди.

Нусратуллоҳ Хуросоний-Мужоҳид

19 январь куни Youtube тармоғига юкланган видеода ярим йил муқаддам «Исломий давлат»га байъат берган собиқ Ўзбекистон исломий ҳаракати матбуот котиби Нусратуллоҳ Мужоҳид номидан аудиобаёнот эълон қилинди.

Бунга қадар Telegram тармоғидаги айрим гуруҳларда ҳам «Нусратуллоҳ Хуросоний» номи остидаги фойдаланувчи ўзининг Нусратуллоҳ Мужоҳид эканини айтиб, Зобул жанглиридаги ўзбек жангарилари тақдири ҳақида хабарлар қолдира бошлади.

Сўнгги бор жангари гуруҳ матбуот котибига оид аудиомурожаат ўтган йилнинг 14 ноябрида Facebook тармоғига юкланган ва унда Нусратуллоҳ Мужоҳид ўзбек жангарилари Зобулнинг Арғандоп туманида Толиблар қамалида қолганини айтган эди.

Мурожаатда у сафдошлари билан «1 километрлик худуд ичида мукамал куршовда қолгани, кўплаб опа-сингиллар, болалар шаҳид кетгани, кўплаб масъул бирордарлар асир олингани»ни айтиб видолашган эди.

Ижтимоий тармоқлар орқали боғланган Озодлик мухбири билан киска мулоқот қилган Нусратуллоҳ Хуросоний-Мужоҳид ўзининг собиқ ЎИХ — сўнг бор «Исломий давлат»нинг Хуросондаги лашкарлари сифатида толибларга қарши жанг қилган собиқ ЎИХнинг матбуот котиби эканини даъво қилди.

«Зобулда оқ ва қора байроқчилар жанги бўлди»

Зобул жанглиридан 3 ой ўтиб, ижтимоий тармоқлар орқали алоқага чиққан Нусратуллоҳ



БУЮК ФИТНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мужоҳид 6-9 ноябрь куни бўлган жанглари «Толиблар ва ИД (Исломий давлат) ўртасидаги жанг» деб таърифлади.

Айни пайтда, толиблар кўлида асир ва қийноқлардан сўнг хаста эканини айтган жангари Озодлик саволларига ёзма тарзда жавоб берди:

«Bu oq bayroq bilan qora bayroq jangi bolgan. Esizda bulsa biz shialarni kup ogirlaganmiz. Shularni ozod qilish uchun G'azniy shialar kattasidan Zobul viloyati qomondoni A. 500 ming dollar pul olgan va qoshimcha shialarda kuch toplab ustimizga jami 8000 atrofida qoshin keldi. Tolibon va ID jangi bolgan», deb ёзди ижтимоий тармоқлар орқали Озодлик саволларига жавоб берган Нусратуллоҳ Хуросоний-Мужоҳид.

«Усмон Ғозий аёллар ўрнига ўзини топширди»

Зобул жанглиридан сўнг толиблар бир неча баёнот тарқатган ва бу жангда ўз ичидан чиққан «исёнчилар» жазолангани, хусусан, ИДга байъат бериб, толибларга қарши чиққан собиқ ЎИХ раҳбари ўлик ҳолда топилганини маълум қилган эди.

Нусратуллоҳ Мужоҳид етакчиси Усмон Ғозий ўз жамоатидаги асир аёлларга тегмаслик шарт билан «ўзини топширган», деб ёзди.

«Ustimizga jami 8000 tolibon keldi. Bizga qarshi jang qilib yiglab ketgani ham buldi mazza qilgani ham buldi. Usmon Goziy nomalum. Asir olingan ayollarga tegmaslik va ularni ozod qilish evaziga Usmon aka uzini topshitgan. Yani tirik olib ketishgan Vallohi boshqa narsa bilmayman», deb ёзди собиқ ЎИХнинг вакили.

Зобул жанглиридан 3 ой ўтиб ижтимоий тармоқларга кирганини айтган Нусратуллоҳ Мужоҳид толиблар томонидан ўтган йили 10 декабрь куни Усмон Ғозийнинг жасади топилгани ҳақида тарқатилган фотохабарни эндигина кўрганини айтди.

Суратдаги одамни Усмон Ғозийга «ўхшаркан», деб таърифлаган Мужоҳид бу хабарни аниқ тасдиқлай олмаслигини айтди.

«Зобулдаги ўзбеклардан 120 нафари ўлдирилди»

Сухбатдош толиблар асирларга нисбатан ўта шавфқатсиз муносабатда бўлганини иддао қилди:

«2 odamni jazolash kerak bolsa kochada oynab yurgan yosh godaklarni nima uchun otdi. Ayollar markazini nima uchun raketalar otdi. Kim nima desa desin haqiqat boshqacha bolgan. Biz bayatimizni va Xilofatimizni himoya qilib fidoiy jang qildik. Bergan shahidlarimizga afsus qilmaymiz. Bu qora bayroq ostida jamoat qomondoni Abdulmalik aka, muftiy shayh Muhammad ali, ustoz Yahyo Hikmatiy va yana bir qancha yaqinlarimiz shahid qilindi», deb ёзди ижтимоий тармоқлар орқали Озодлик саволларига жавоб берган Нусратуллоҳ Хуросоний-Мужоҳид.

Унинг иддаосича, 6-8 ноябрь куни жангларида собиқ ЎИХ жангари гуруҳи сафидаги ўзбеклардан — хотин-қиз ва болалар билан бирга — жами 120-25 киши ўлдирилган. Булар орасида ҳаракатнинг «тарғибот бўлимидан видеочи, нашидачи йигитлар шаҳид бўлди», деб ёзди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бу жангари Озодликнинг собиқ УИХнинг бугунги адади, тақдири ҳақидаги саволларига ҳозирча жавоб бергани йўқ. (Озодликда бу шахснинг айнан Нусратуллоҳ Мужоҳид эканини тасдиқловчи конкрет маълумотлар йўқ. Аммо бу шахснинг ижтимоий тармоқлардаги ёзишмалари ва у келтирган эксклюзив маълумотлар у собиқ УИХ аъзоси, деган эҳтимолни қувватламоқда)

Собиқ УИХ — ИДнинг Хуросондаги лашкари якуни

Толибларга оид Интернет тармоқларида собиқ Ўзбекистон Исломиё ҳаракати лидери Усмон Ғозийнинг ўлгани ва унинг етакчилигидаги гуруҳ тор-мор қилингани ҳақидаги баёнотлар ўтган йилнинг ноябрь ва декабрь ойларида тарқатилган.

Афғонистон расмийлари бу иддаоларни тўлиқ тасдиқламаган, аммо Зобул жангларида ўзбекларнинг Усмон Ғозий етакчилигидаги катта гуруҳи «Ислмоий давлат»га байъат берган исёнчи қўмондонлар ёнида толиблар амири мулла Ахтар Мансурга қарши жанг қилганини тасдиқлаган.

Толиблар матбуот котиби Забиуллоҳ Мужоҳид исёнчи қўмондон мулла Мансур Додуллоҳ етакчилигидаги жангарилар ўз назорати остидаги худудларда маҳаллий аҳолини тунагани, шунингдек, ўзбек жангарилари маҳаллий ҳазораларни ўғирлаб, бошини олганини иддао қилган.

Шунингдек, исёнчиларни «Исломиё давлат»га байъатидан воз кечишга узоқ тарғиб қилгани, аммо қайтмагач, уларга қарши жанг қилганини тасдиқлаган. Аммо Толибон раҳбарияти уларни ўлдиргани, хусусан, йиллар давомида марҳум мулла Умарга содиқ қолган собиқ УИХ раҳбари Усмон Ғозийни қатл қилганига оид даъволани тасдиқламай келмоқда. Толиблар сўнгги баёнотида Усмон Ғозийнинг жасади Зобулдан топилди, деб даъво қилган.

Айни пайтда ИДга байъат бермаган, тахминан, 50-60 атрофидаги ўзбек жангарисининг оиласи билан Форёб вилоятининг Қайсор, Алмор ва Давлатобод туманларида жон сақлаётгани ҳақида норасмий маълумотлар бор.

УХХ хабарлар бўлими

Эрон иқтисодиёти учун «бурилиш нуқтаси»

Эрон ва Европа Иттифоқи расмийларига кўра, Техрон ўтган йилнинг июль ойида эришилган келишувда белгиланган мажбуриятларини бузмагани тасдиқланди.

Бу ҳақда Эрон ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавод Зариф ҳамда Европа Иттифоқининг ташқи алоқалар бўйича мутасаддиси Федерика Могерини 16 январь куни Венада бўлиб ўтган матбуот анжуманида хабар беришди.

Икки расмий эълон қилган билдирувда “Ушбу келишув сиёсий хоҳиш, матонат ҳамда кўп томонлама дипломатия орқали қийин масалаларни ҳал қилиш ва самарали бажариш мумкин бўлган амалий ечимларни топиш мумкинлигини кўрсатади”, дейилади.

Эришилган келишувни АҚШ ҳам маъқуллайди. АҚШ давлат котиби Жон Керри Венада бўлиб ўтган учрашувларда қатнашди, аммо матбуот анжуманида иштирок этмади.

Бу хабар ортидан Эронга қарши жорий қилинган санкциялар бирин-кетин бекор қилинди. Европа Иттифоқининг кенгаши ядровий дастур юзасидан Эронга қарши жорий қилинган барча иқтисодий ва молиявий санкциялар беркор қилинганини эълон қилди.

АҚШда президент Барак Обама Америка фуқароси бўлмаган шахсларнинг Эрон марказий банки ҳамда Эрон миллий нефть ширкати билан иш олиб боришига тўсқинлик қилувчи санкцияларни бекор қилувчи фармон чиқарди.

АҚШ Молия вазирлиги эса 400 дан ошиқ эронлик шахс ва ташкилот санкциялар рўйхатидан чиқарилгани ҳақида хабар берди.

Хабарда 200 га яқин шахс ва ташкилотга қарши жорий қилинган санкциялар бекор қилинмагани айтилади.

Эрон президенти Ҳасан Руҳоний ўз Twitter ҳисобида “Шарафли ғалаба билан табриклайман!” деб ёзди.

Санкциялар бекор қилинганидан ва мамлакатлари энди халқаро миқёсда яқна эмаслигидан хурсанд бўлган эронликлар ўз қувончларини ижтимоий тармоқларда изҳор қилишди.

Эрон президенти Ҳасан

Руҳоний мамлакатига нисбатан халқаро санкцияларнинг олиб ташланишини олқишлаб, дунёнинг қудратли давлатлари билан ядровий битимнинг имзоланиши Техроннинг дунё иқтисодиётига қўшилиши учун «янги йўлларни очди», деб айтди.

17 январь куни Эрон парламентида чиқиш қилган Ҳасан Руҳоний шартнома Эрон иқтисодиёти учун «бурилиш нуқтаси» бўлишини билдирди.

Унинг илова қилишича, энергия захираларига бой мамлакат нефтдан олинмаган даромадларга камроқ қарам бўлиши керак.

Исроил Эрон билан эришилган келишувга кескин қаршидир.

Мамлакат бош вазири Бениамин Нетаняху маъмурияти 16 январь куни эълон қилинган билдирувда Техрон ядровий қурол ишлаб чиқиш ниятидан воз кечмагани ҳамда мамлакат Яқин Шарқ тинчлигига таҳдид солиши айтилади.

БМТ томонидан эронга қурол сотиш бўйича жорий қилинган чекловлар бекор қилингани йўқ. Эроннинг баллистик ракеталар дастурига қарши жорий қилинган чекловлари ҳам ўзгартирилгани йўқ.

Айни пайтда Европа Иттифоқи «Эронга қарши барча иқтисодий ва молиявий санкцияларни олиб ташланди», дея эълон қилди.

Бироқ санкцияларни бекор қилиш жараёни тўлиқ бажарилиши учун барча Европа Иттифоқи аъзо мамлакатларнинг етакчиларидан тузилган Европа кенгаши расмий қарор чиқариши, бу қарор ҳақида Европа Иттифоқининг расмий журналида ёзилиши керак.

Ҳисоб-китобларга кўра, Эронга қарши жорий қилинган барча халқаро санкцияларнинг бекор қилиниши Эронга 100 миллиард доллар енгиллик олиб келади.

Санкциялар бекор қилиниши ҳақида хабар берилишидан аввал Халқаро Атом энергияси агентлиги (ХАЭА) Эрон ўз ядровий дастури бўйича олган мажбуриятларни бажаргани ҳақида ҳисобот берди. Техроннинг ядровий дастури бўйича келишув ўтган йилнинг июлида Эрон ва олти қудратли давлат ўртасида имзоланган эди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)



ХАЭА директори генерал Юкия Аmano Эрон эришилган келишувни бажариш учун зарур бўлган илк қадамларни амалга оширгани айтилган ҳисоботни эълон қилди.

Июлда эришилган келишув бўйича Эрон центрифугаларининг учдан икки қисмини йўқ қилиши, уран захираларини озайтириши ҳамда мамлакатда қуролларда ишлатиш мумкин бўлган плутоний

ишлаб чиқариш имконини берувчи Арак реакторининг ўзагини олиб ташлаши керак эди. Келишувга эришилишидан аввал Эронда бир неча бомба ясаш учун етарли бойитилган уран бор эди.

Июлда Эрон ва олти қудратли мамлакат ўртасида эришилган келишув Эрон бир ядровий қурол ясаш учун етарли ёқилғи ишлаб чиқариши учун кетадиган вақтни камида бир йилга узайтиришни кўзлайди. ХАЭА Эрон ўз мажбуриятларини бажараётганига ишонч ҳосил қилиш учун мамлакат ядровий дастурини яқиндан кузатиб боради. Ғарб Эронни ядровий қурол ишлаб чиқаришга интилишда айблаб келади. Эрон эса буни рад этади.

Техронга қарши жорий қилинган санкциялар Эронни глобал

молиявий тизимдан ажратиб, мамлакатнинг нефть экспортларини чеклаб қўйган эди. Бундан оддий фуқаролар зарар кўраётган эди.

Обамдан кейин АҚШ президенти бўлиш истагидаги Республикачилар партияси номзодларининг барчаси Эрон билан эришилган келишувга қаршидир. Бундан ташқари, АҚШнинг Яқин Шарқдаги ҳамкорлари, жумладан, Исроил ва Саудия Арабистони ҳам келишувга ишончсизлик билан қарайди.

Аммо келишувни Вашингтоннинг Европадаги ҳамкорлари қўллади. Бу мамлакатлар Эронни музокара олиб боришга мажбурлаш учун Обама билан биргаликда мамлакатга қарши жорий қилинган санкцияларни қучайтирган эди.

Манба: «Озодлик» радиоси

Ўзбек ҳакимаси Ойдин Солиҳ вафот этди. У вафот этмасдан бир неча кун аввал уни уйда зиёрат этгандим. Ўлишдан олдин Ўлишни ўз ҳаёти билан шу қадар гўзал кўрсатди бизларга!...

Унинг ҳолидаги виқор мени ҳамиша мутаасир этарди. Унинг ёнидан айрилганимдан кейин ожизона бир неча мисра ёздим, аммо унга тақдим этиш насиб бўлмади ва бу мисраларни бугун Устодимизни абадий йўлчиликка кузатаётган юракларга тақдим қилмоқчиман. Тилайман-ки, Устодимизга қўнгил берган хар юрак бир мисра ёзиб ўз ҳисларини ифода этар..

Хатижа Учар



Танидингми у Гўзални?

Юзида сажда нури..

Сен ҳеч кўрдингми

калималарни кўзларида тўплаган у

Гўзални?

У Гўзал-ки, сассиз дудоқларида неча

инжулар гизли.

Юрагининг қўллари узанганда

калбларга

кимдир тош деб ўйлади, аммо у

гуллар сочди!

Мавлодан насиб бўлса, гулларга

шабнам бўлар,

Тошдан ҳурккан, насибни кимдан

олар?

Сўзлар оломонида маъно ахтармагил

сан

У Гўзал ҳайбатига тушмаса гар

боқшинг

Кўрдингми у Гўзални?

«Вов» каби букулмиш ётоғида

ҳолбуки, «қаф» каби сукунат

кучоғида

Аслида, у гайбга ҳозир

«алиф» каби оёқда

Юзида сажда нури, қулликка дават

этар!

Сен маъносиз ҳузунда, у эса чекмас

кадар

Сен шивир билан ҳалолликни оларкан,

ўйлама, бу ҳақларга умр этади деб!

Кўрдингми у Гўзални, севдингми,

масхара қилинганда, тингладингми

кўнгилдан?

Ҳакни англашишга умрини берди

Гўзал

сен-чи ўргандингми бу «Ҳақикий»

яшагини?

Дедим-ку, галди Гўзал

Гурбатдан қўтиб галди!

Бағринда ҳақ чечаклари

Мушиқ бўйлари ила галди!

Бисотидагини берди

Чарчамади, толмади

«солиҳ бир қул бўл» деди,

Бошиқасин истамади

Танидингми у Гўзални

ОЙДИНликка чиқдингми?

Вафонгдан бир тож этиб

Алларино бердингми?

Хатижа Учар

Ноябр 2014

Туркия туркчасидан

ўзбекчалаштирилди

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий

нашри

www.uzxalqharakati.com/erkinyurt

Мухаррир: Нурбек Саломов